

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АРИПОВА ЗУХРА ДЖАХАНГИРОВНА

**МИСРНИНГ XIII-XV АСРЛАРДАГИ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА АББОСИЙ
ХАЛИФАЛАРНИНГ ЎРНИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

**Content of the dissertation abstract of the Doctor of Science (DSc)
on Historical Sciences**

Арипова Зухра Джахангировна

Мисрнинг XIII-XV асрлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида Аббосий

халифаларнинг ўрни..... 3

Aripova Zukhra D.

The role of the Abbasid caliphs in the social and political life of Egypt

in the XIII-XV centuries ,.....33

Арипова Зухра Джахангировна

Роль Аббасидских халифов в социально-политической жизни Египта

в XIII-XV вв..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 66

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
_DSc 35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

АРИПОВА ЗУХРА ДЖАХАНГИРОВНА

**МИСРНИНГ XIII-XV АСРЛАРДАГИ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА АББОСИЙ
ХАЛИФАЛАРНИНГ ЎРНИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Tar163 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiu.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хасанов Аҳаджон Аҳмаджонович тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мунавваров Зоҳидулло Иномходжаевич __ сиёсий фанлар доктори, профессор Юсупова Дилором Юнусовна академик, тарих фанлари доктори, профессор Агзамова Гулчехра Азизовна тарих фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» сентябрь соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70), Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@iiu.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Д.Р.Махсудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлар доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

З.М.Исламов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихида Шарқ мамлакатлари орасида мамлуклар фаолияти туфайли Мисрнинг XIII-XV асрлардаги ўрни юқори бўлиб, бу даврда 1250-1382 йилларда “бахрий мамлуклар” – “المماليك البحرية” (денгиз орқали келтирилган туркий мамлуклар) ҳамда 1382-1517 йилларда “буржий мамлуклар” – “المماليك البرجية” (кавказлик мамлуклар) ҳукмронлик қилганлар.

Шу боис ушбу даврдаги мамлуклар тарихининг Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаб, Ўзбекистон тарихига янги маълумотларни киритиш орқали ёшларга нафақат Ўрта Осиё, балки ўзга юртларда яшаб, ҳукмронлик қилган туркий сулолалар, уларнинг олиб борган ижтимоий, сиёсий, диний, иқтисодий, маданий фаолияти, бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлари ҳамда мамлукларнинг дунё тарихидаги ўрнини кўрсатиб бериш долзарб масалалардан бири саналади. Бу ўринда, ўрта асрларда Миср ҳамда Ўзбекистон тарихи орасидаги боғлиқ жиҳатларни кўрсатиб ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлардаги университетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларида мамлуклар даври (1250-1517) тарихи, уларнинг сиёсий фаолияти, ҳарбий тизими, ислом оламидаги мавқеи бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу даврдаги Мисрнинг ижтимоий-сиёсий тарихида Аббосий халифаларнинг ўрни, Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган анъаналарнинг Миср ҳаётига кириб бориши билан боғлиқ масалалар бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмагани сабабли ушбу даврни яхлит англаш имкони йўқ эди. Ўрта аср тарихчиларининг асарлари, Европа ва Мисрдаги фонд ҳамда архивларда сақланаётган кўплаб қўлёзмалар асосидаги илмий тадқиқотлар жаҳон тарихи, ислом тарихи ва манбашунослиги йўналишлари бўйича аҳамиятга молик саналади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ислом тарихи ва манбашунослиги соҳаси ривожланиб, бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо мутахассислар олдида ушбу соҳада янада кўпроқ илмий изланишлар олиб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон ва Миср алоқаларини тарихий-маданий муштарақлик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Хусусан, тарихга назар солсак, келиб чиқиши бухоролик бўлган Аҳмад ибн Тўлун “الدولة الطولونية” – Тўлунийлар сулоласига, улардан сўнг Мисрда асли фарғоналик Муҳаммад ибн Туғж Ихшид эса, “الدولة الإخشيدية” – Ихшидийлар давлати, сўнг дастлабкиси туркийлардан бўлган сулола “الدولة المملوكية” – мамлуклар давлатига асос солган. Биринчи даврда 1250-1382 йилларда ҳукмронлик қилган бахрий мамлук (المماليك البحرية)ларнинг келиб чиқиши Ўрта Осиё билан боғлиқлиги боис, улар олиб борган сиёсий жараёнлар, Мисрнинг ўрта асрлардаги юксалишига хизмат қилган омилларини кўрсатиш, Марказий Осиё билан муносабатларини, Мисрга туркий халқлар анъаналарини кириб

бориши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш ҳамда Қоҳирадаги Аббосий халифалар фаолияти мамлуклар тизимини легитимлаштириш (қонунийлаштириш) мақсадига хизмат қилганини, Аббосий халифалар ва мамлук султонлари орасидаги муносабатларни холисона ўрганиш, қолаверса, “Ҳизбут-тахрир ал-исломий” (Ислом озодлик партияси), “Лашкари тойба” (Тақводорлар армияси), “Туркистон ислом ҳаракати” каби диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар илгари сураётган “халифаликни тиклаш” “ғояси”га раддия бериш долзарб масала саналади.

Тадқиқот иши 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5046-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Мамлук султонлари даври тарихи, Аббосий халифаларнинг Қоҳирадаги фаолиятига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, جامعة الأزهر (Миср), جامعة القاهرة (Миср), جامعة عين الشمس (Миср), The Institute for Islamic World Studies, Oxford (Буюк Британия), International Islamic University of Malaysia (Малайзия), Institute of Islamic studies (Канада), Институт востоковедения РАН, Санкт-Петербургский Государственный университет, Mamlūk studies review the Middle East Documentation Center At The University Of Chicago (АҚШ), The DFG-Research Kollege (Германия), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität

¹ <http://www.azhar.edu.eg/>; <https://cu.edu.eg/>, <http://www.asu.edu.eg/>; <http://www.Ox.ac.uk/>; <http://www.iium.edu.my/>; <https://www.universiteitleiden.nl/>; <http://www.orientalstudies.ru/>; <https://spbu.ru/>; <http://mamluk.uchicago.edu/>; <https://www.mamluk.uni-bonn.de/>; <https://www.uni-bonn.de/the-university/>; <https://www.soas.ac.uk/>; <https://ecsa.me/139-universitet-drudgby-narodov-imeni-akademika-akuatbekova/>; <https://www.kaznu.kz/ru/>; <https://www.enu.kz/ru/>; <https://www.arigi01.ru/>; <http://www.beruni.uz/>; <http://www.iiu.uz/>; <http://www.tashgiv.uz/> ва бошқалар;

Bonn (Германия), School of Oriental and African Studies. University of London (Лондон), İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Университет дружбы народов имени академика Куатбекова, Казахский национальный университет имени аль-Фараби, Евразийский национальный университет имени Гумилёва, Институт востоковедения имени Р.Б.Сулейменова (Қозоғистон), Адыгейский республиканский институт гуманитарных исследований имени Т. М. Керашева (Россия), Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан амалга оширилмоқда.

Мамлуқлар даври тарихчиларининг бой қўлғезмалари дунё давлатлари, жумладан, Берлин давлат кутубхонасида араб қўлғезмалари тўплами сақланмоқда². Улар ичида Ибн Халдун (732/1332-808/1406), ал-Мақризий (764/1364-845/1442), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (773/1371-852/1449), Ибн Тағриберди (813/1411-874/1470), ас-Саховий (831/1427-901/1497), ас-Суютий (849/1445-911/1505), Ибн Ийёс (852/1448-930/1523), аз-Зоҳирий (813/1410-873/1468)³ каби ўрта аср тарихчиларининг ушбу даврга оид бой маълумот берувчи асарлари ҳам бор.

Миср тарихининг ўрта аср мамлуқлар даври тарихига бўйича бугунги кунда қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мамлуқлар давлати ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий, маъмурий тузилиши, ҳарбий тизими, меъморчилик тарихи ва унга бошқа маданиятлар таъсири, илм-фан, адабиётдаги ютуқ ва камчиликлари, янги жанрларнинг пайдо бўлиши, бу даврда ёзилган асарлар ва муаллифлар борасидаги таҳлилий тадқиқотлар аниқланиб, таснифланмоқда.

Мамлуқлар даврининг тадқиқотлари шарҳи Америка Қўшма Штатларидаги Чикаго университети Яқин Шарқ ҳужжатлари маркази (Mamlūk studies review the Middle East Documentation Center at The University of Chicago) томонидан 1997 йилдан буён йирик илмий журналда нашр этилади⁴. Шунингдек, халқаро конференция ўтказилиб, анжуман натижаси сифатида йирик тўпламлар ҳам чоп қилинади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда Миср тарихи, тарихий географиясининг шаклланиш жараёнлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини тадқиқ қилишда XIII-XV аср ёзма

² The manuscript's department of the Berlin State Library

³ عبد الرحمن ابن خلدون. كتاب العبر وديوان المبتدأ والخبر في أيام العرب والعجم والبربر و من عاصرهم من ذوي السلطان الأكبر. (Pet. 625, Spr. 28) ، تنقي الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئ. رسالة في معرفة النقود ووزنها. (Spr. 190–192, We. 1093,) (Mf. 450) ، أحمد بن علي ابن حجر العسقلاني. أنباء الغمر بأبناء العمر (Mf. 73) ، جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. (Spr. 189) ، جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. منتخبات حوادث الدهور في مدى الأيام والشهور (WE. 1) ، محمد بن عبد الرحمان السخاوي. كتاب التبر المسبوك في ذيل السلوك. (We. 343) ، جلال الدين عبد الرحمان بن أبي بكر السيوطي. كتاب حسن المحاضرة في أخبار مصر والقاهرة. (Pet. 185, Mq. 654, 655) ، محمد بن أحمد بن إياس الحنفي. نشق الأزهار في غرائب الأقطار. (Mf. 1179) ، خليل بن شهين الظاهري. كتاب زبدة كشف الممالك وبيان الطرق والمسالك. (Pm. 476.)

⁴ Mamlūk Studies Review is published by the Middle East Documentation Center (MEDOC), The University of Chicago.

адабиётларининг аҳамияти бекиёсдир. Бевосита Мисрда мамлуклар даврида яшаб ижод қилган солномачилардан: ал-Макризий, Ибн Халдун, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Ибн Дукмоқ, ал-Айний, аз-Зоҳирий, Ибн Тағриберди, Нур ад-Дин ас-Сайрафий, Ибн аш-Шихна, Абд ар-Раҳмон ас-Саховий, Жалол ад-Дин ас-Суютий, Ибн Ийёс, Шаҳоб ад-Дин ал-Қалқашандий, Абу Шама, Аҳмад ан-Нувайрий, Шаҳоб ад-Дин ал-Умарий, Ибн Заҳира, Ибн Абд аз-Зоҳир, Ибн ал-Фурот, Аб ал-Фидо, ад-Даводорий, Ибн Занбал ар-Раммол, Ибн ал-Асир⁵ кабиларнинг асарлари бу давр бўйича асосли маълумотлар олишга ёрдам беради.

XIII-XV асрда Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлуклар тарихи, Қоҳирадаги Аббосий халифаларнинг фаолияти, мамлуклар давлатида туркий тилнинг ўрни тўғрисидаги тарихий маълумотлар В.В.Бартольд, О.Г.Большаков, К.Э.Босворт, Г.Гибб, Е.И.Зеленев, И.М. Фильштинский, П.М.Хольт, Т.Ю. Ирмияева, Б.Д.Дюсенов, М.Бирани, Б.Келек, С.Қизилтупрак, Р.Амитай У.Хаарманн, Л.С.Нортруп, Р.Ирвин, П.Дональд каби Европа ва рус тадқиқотларида мавжуд⁶.

⁵ تقي الدين المقريزي. المواعظ والاعتبار بذكر الخطط والآثار. بولاق: أوست. 2002، كتاب إغاثة الأمة بكشف الغمة/ المحقق كرم حلمي فرحات. - القاهرة: عين للدراسات والبحوث الإنسانية والاجتماعية. 2007 ؛ ابن خلدون. كتاب العبر وديوان المبتدأ والخبر في أيام العرب والعجم والبربر و من عاصرهم من ذوي السلطان الأكبر. - بيروت: الأفكار العربية. 2001؛ ابن حجر العسقلاني. فتح الباري في شرح الصحيح البخاري. 18 مجلدا. - بيروت: مكتبة دار الكتب، 2000؛ ابن دقماق. كتاب الانتصار لواسطة عقد الأمصار في تاريخ مصر وجغرافيتها/. تحقيق محمد كمال الدين. - بيروت. المكتب التجاري للطباعة والتوزيع والنشر، 2017 ، ؛ بدر الدين العيني. عقد الجمان في تاريخ أهل الزمان./ محقق محمود رزق محمود. - القاهرة: دار الكتب والوثائق القومية، 4 مجلدا. 2010 ؛ خليل بن شهين الظاهري. كتاب زبدة كشف الممالك وبيان الطرق والمسالك. - القاهرة: دار العرب للبستاني. 1988؛ ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. /المحقق محمد حسين شمس الدين. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، 16 مجلدا. 1992 ؛ نور الدين ابن الصيرفي. نزهة النفوس والأبدان في تواريخ الزمان./ المحقق محمد جمال حامد الشوربجي. - القاهرة: معهد المخطوطات العربية، 2019؛ محمد ابن الشحنة. روض المناظر في أخبار الأوائل والأواخر. /تحقيق سيد محمد مهني. - بيروت: دار الكتب العلمية، 1997؛ عبد الرحمان السخاوي. كتاب التبر المسبوك في ذيل السلوك./ المحقق نجوى مصطفى كامل. - القاهرة: دار الكتب والوثائق القومية، 2002 ؛ جلال الدين السيوطي. كتاب حسن المحاضرة في أخبار مصر والقاهرة./ المحقق محمد أبو الفضل إبراهيم. - القاهرة: دار إحياء الكتب العربية، 1967. ؛ تأريخ الخلفاء. - بيروت: دار ابن حزم. 2003. ؛ محمد بن إياس. بدائع الزهور في وقائع الدهور. - القاهرة: كتب الهيئة المصرية. 10 مجلدا. 1982؛ شهاب الدين القلقشندي. كتاب صبح الأعشى في صناعة الإنشاء. - القاهرة: دار الكتب. 12 مجلدا. 1914- 1919 ؛ عبد الرحمن (ابو شامة) كتاب الروضتين في اخبار الدولتين./ تحقيق ابراهيم الزاييق. - بيروت: مؤسسة الرسالة، 1997 ؛ أحمد النويري. نهاية الإرب في فنون الأدب. ج. 31. /المحقق إبراهيم شمس الدين. - بيروت - لبنان : دار الكتب العلمية، 2004. ج 1، 3، 4؛ شهاب الدين العمري. مسالك الأبصار في ممالك الأمصار. / محقق إبراهيم صالح، - أبو ظبي: المجمع الثقافي، 2002؛ ابن ظهيرة. الفضائل الباهرة في محاسن مصر و القاهرة. - القاهرة. 1969؛ محيي الدين بن عبد الظاهر. الروض الزاهرة في السيرة الملك الظاهر. - الرياض. 1976؛ ابن الفرات. كتاب تاريخ ابن الفرات./ تحقيق حسن محمد الشماخ. - بصره: مطبعة حداد. 1970؛ إسماعيل أبو الفداء. كتاب المختصر في أخبار البشر./ تحقيق محمد عبد اللطيف الخطيب. القاهرة: المطبعة الحسينية المصرية. ؛ أبو بكر بن عبد الله بن أبيك الدوادري. الدر الفاخر في سيرة الملك الناصر. / تحقيق هانس روبرت رويمر. - القاهرة: المطبعة لجنة التأليف والترجمة والنشر، 1982. ؛ ابن زنيل الرمال. آخرة الممالك او واقعة السلطان الغوري مع سليم العثماني. - القاهرة: الهيئة المصرية. 1999 ؛ ابن الاثير. الكامل في التاريخ. - القاهرة: دار الكتب المصرية.

⁶ Бартольд В.В. Халиф и султан // Бартольд В.В. - Сочинения. Т. VI. - Москва, 1966. - С.15-78; Большаков О.Г. История халифата. 4 Жилдлик. -М.: Наука, 1989- 2000; Босворт К. Мусулмон сулолалари (йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома). - Тошкент: Фан, 2007; Gibb H. Studies on the civilisation of Islam. Boston. 1962., Зеленев Е. И. Мусульманский Египет. СПб.:С.-Петербург. университет, 2007; Фильштинский И.М. История арабов и халифата 750-1517. - Москва: Восток Запад, 2006; Holt P. M. Some Observations on the 'Abbasid Caliphate of Cairo // Bulletin of the School of Oriental and African Studies. University of London. 1984. Vol. 47, N 3. P. 501; Ирмияева Т.Ю. История мусульманского мира от Халифата до Блистательной Порты. - Челябинск: Урал LTD, 2000; Дюсенов Б.Д. Об изучении арабо-кыпчакских словарей государства мамлюков. Синергия, 2018. - С.73-81; Biran M. The Mental Maps of Mongol Central Asia as Seen from the Mamluk Sultanate// Journal of Asian History, Vol. 49, №. 1-2, Chinese and Asian Geographical and Cartographical Views on Central Asia and Its Adjacent Regions 2015. - pp. 31-51; Keleş B. Memlûkler Döneminde Ğdarî Yapı // Türkler. -Ankara: Yeng türkgye yayinlari, 2002. - s.589-609; Kızıltoprak S. Memlûk Sistemi // Türkler. -Ankara: Yeng türkgye yayinlari, 2002. - s.610-638; Amitai R. Mamluks of Mongol Origin and Their Role in Early Mamluk Political Live // Mamluk Studies Review. Vol. 12. №1. 2008. - P. 119-137; Haarmann U. The Mamluk System of Rule in the Eyes of Western Travelers // Mamluk Studies Review. Chicago: Middle East Documentation Center (Medoc) The University Of Chicago, Vol.5. 2001 - P.1-25; Northrup L. The Bahri Mamluk sultanate, 1250 - 1390 // The Cambridge history of Egypt. Vol. I. - Islamic Egypt, 640 - 1517. - Cambridge University Press, 2008; Irwin R. Mamluks and Crusaders: Men of the Pen // By Robert Irwin. Surrey and Burlington

Мисрда ҳукмронлик қилган буржий (черкес) мамлуклар давридаги ижтимоий-сиёсий вазият борасида А.Ҳасанов, С.Х.Хотко, мамлуклар даври (1250-1517) араб адабиёти бўйича Р.Ходжаева монография эълон қилганлар⁷, У.Уватов Амир Темур тарихига оид тадқиқотларида, Миср мамлук султонлари билан муносабатлар бўйича маълумотлар тақдим этган⁸. Р.Баҳодировнинг монографиясида эса, Муҳаммад Али ва унинг фаолияти, мамлукларга нисбатан олиб борган сиёсати акс этган⁹. Бироқ XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Қоҳирада фаолият олиб борган халифалар ва мамлук султонлари орасидаги муносабатлар, Марказий Осиё ва Миср алоқалари ҳамда Миср жамиятига туркий унсурларнинг кириб келиши билан боғлиқ илмий тадқиқотлар изчил равишда олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши: Мовароуннаҳрда диний-маънавий ва илмий-маданий марказларнинг шаклланиши ва ривожланиши” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мисрнинг XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида Аббосий халифаларнинг тутган ўрнини аниқлаш орқали мамлуклар давридаги сиёсий вазият, маданий ҳаёт ва уларга Марказий Осиё анъаналарининг таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIII-XV асрларда Мисрдаги Аббосий халифалар тарихига доир манбаларни ёритиш;

тарихий асарлар маълумотлари асосида давр тарихини ўрганишдаги муаммоларни аниқлаш;

Аббосий халифалар даври тарихини тадқиқ этишда замонавий тадқиқотларнинг назарий-методологик асосларини кўрсатиб бериш;

Мисрда баҳрий мамлук султонлари ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва ундаги диний, ижтимоий-сиёсий ҳолатни ёритиш;

VT: Ashgate Variorum, 2010; Donald P. Little. *Historiography of the Ayyubid and Mamluk epochs // The Cambridge History of Egypt. Vol.1: Islamic Egypt 640 – 1517.* – Cambridge University Press, 2008.

⁷ Ҳасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта, при черкесских султанах (1382-1517). Автореф. дис. ...кан. ист. наук. – М.,1975; Ҳасанов А.А.Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте // Арабские страны, Турция, Иран, Афганистан. История, экономика, – М., 1973. – С. 158-166; Ўша муаллиф: Система управления и суда в мамлюкском Египте конца XIV начала XVI в. // История и экономика стран Арабского востока и Северной Африки. – М.: Наука, 1975. – С. 364-386; Ўша муаллиф. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV – начале XVI вв. – Т.:“Востоковедение” Сб. научных трудов ТашГУ, 1981. – № 589; Хотко С.Х. Черкесские мамлюки. – Майкоп, 1993; Черкесские (адыгские) правители Египта и Сирии в XIII-XVIII вв. – Майкоп, 1995; Генезис черкесских элит в султанате Мамлюков и Османской империи. – Майкоп, 1999; История Черкессии в средние века и новое время. – СПб., 2002. – С. 335-337; Ходжаева Р. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). – Т.: Ҳилол Медия, 2013.

⁸ Уватов У.Ибн Арабшоҳ ва унинг Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари асари (Ажойиб ул-мадур фи тарихи Темур). Тарих фан. ном. ...дисс. – Т.: 1974; Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. – Т.: Мехнат. 1992. – Б.326.

⁹ Баҳодиров Р. Миср Муҳаммад Али ва унинг сулоласи даврида. – Т.: Фан, 2013.

буржий мамлукларнинг тахт тепасига келиши ва бу даврдаги сиёсий, маданий ҳаётни кўрсатиш;

Мисрнинг 1250-1517 йиллардаги давлат тузумини очиш;

Мисрда ташкил этилган ҳарбий мактаблар, улардаги диний ва ҳарбий таълим тизимини кўрсатиш;

Қоҳирада Аббосий халифалар сулоласининг султонлар ҳокимиятини легитимлаштиришдаги ўрнини аниқлаш;

XIV-XV асрларда мамлук султонлари ва Амир Темур ҳамда темурийлар орасидаги муносабатларни ёритиш;

Мисрдаги Аббосий халифалар даври архитектурасига темурийлар меъморчилиги таъсирини кўрсатиб бериш;

XIV-XV асрларда Мисрда ёзилган туркий асарлар, мамлуклар тилининг туркий тиллар гуруҳига мансублигини аниқлаш;

ўрта аср Миср хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётга туркий унсурлар таъсирини очиб бериш;

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда Қоҳирада фаолият юритган Аббосий халифаларнинг фаолиятини бугунги кунда ўрганишнинг долзарблигини кўрсатиш, бу борада таклиф ҳамда тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мисрдаги XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий вазият олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қоҳирадаги Аббосий халифалар ва мамлукларнинг XIII-XV асрлардаги жамият ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, структурал-функционал таҳлил, муаммовий-мақсадли, тарихий-қиёсий услублар ҳамда матнларни контент компонент-анализ қилиш, тарихийлик каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мамлуклар сиёсий ҳаракати, уларнинг маданияти ва урф-одатлари, маросимларида Қоҳирадаги Аббосий халифаларнинг ўрни юқори даражага етиб, халифалар Мисрдаги мамлук султонларининг ҳукмронлигини легитимлаштириш (қонунийлаштириш)га хизмат қилгани очиб берилган;

туркий сулола вакилларида Аҳмад ибн Тўлун Қоҳирага Аббосий халифа Муътамидни чақирганида, унинг укаси Аҳмад ал-Муваффақ қаршилигига учрагани сабабли, ундан кейин Муҳаммад ибн Туғж Ихшид халифа Муттақийни таклиф қилганида, Аббосий халифа бу таклифни рад этгани боис Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги режа амалга ошмай қолганлиги аниқланган;

амирлар ичида мамлук султонларининг Аббосий халифаларни тахтдан четлатишларига қарши чиқиб, султонларга раддия беришгача борган амирлар ҳам бўлганлиги исботлаб берилган;

1250-1382 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган баҳрий (туркий) мамлук султонларининг (سلاطين المماليك البحرية) минтақага таъсири юқори бўлганидан сарой ва мамлуклар орасида туркий тилнинг қипчоқ ва ўғуз шеvasида мулоқот қилинган ва араб-туркий луғатлари, грамматикага оид асарлар яратилган ҳамда 1382-1517 йилларда Мисрда буржий (черкес, кавказлик) мамлуклари ҳукмронлиги даврида ҳам туркий тил ўз ўрнини муомала тили сифатида сақлаб қолгани далилланган;

Мамлук султонлари ҳукмронлиги даврида, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни юқори бўлиб, Султонларнинг рафиқалари давлат бошқарувига таъсир ўтказган ва мамлакат ғазнасига асосий тушумларни келтирувчи буғдойдан олинадиган солиқ турини Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой савдогарлар манфаатини ҳимоя қилган ҳолда бекор қилишга эришгани аниқланган;

Миср мамлуклари даврида аҳоли етти тоифага бўлиниб, унда биринчи тоифа – юқори лавозимдаги кишилар; иккинчи тоифа – йирик савдогарлар; учинчи тоифа – сотувчилар; тўртинчи тоифа – деҳқонлар; бешинчи тоифа – фақиҳ ва талабалар; олтинчи тоифа – хунармандлар; еттинчи тоифа эса камбағал-бечораларга бўлингани, юқори даражадаги тоифаларда мамлуклар бўлганлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тадқиқотда XIII-XV асрларга оид Миср тарихий манбалари илмий истеъмолга киритилган, улардаги тарихий маълумотлар тадқиқ этилиб, уларда бу даврга оид фикрлар ва хулосалар қиёсий таҳлил қилинган;

диссертация маълумотлари таҳлиллари ислом тарихи ва манбашунослигининг Мисрнинг XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва унда Аббосий халифаларнинг ўрни бўйича яхлит ва чуқур билим ҳамда тасаввурлар бериши кўрсатиб берилган;

Мисрнинг XIII-XV асрлар ҳарбий мактаблардаги таълим тизими, давлат тузуми, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ёритилган;

диссертацияда тўпланган маълумотлар ўрта асрларда Миср ва Мовароуннаҳр ўртасидаги муносабатлар ҳамда Марказий Осиё анъаналарининг Миср ижтимоий, маданий ҳаётига таъсири асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда тарихийлик тамойили асосида турли илмий-назарий изланишларга эга тадқиқотчиларнинг қарашлари ўрганилганлиги, Миср Араб Республикаси, Буюк Британия, Германия, Туркия, Сурия кутубхоналари қўлёзма фондида сақланаётган, ҳозирги кунда аксарият нашр этилган оригинал манбалардан фойдаланилгани билан асосланади. Шунингдек, хулосаларни илгари суришда далилларга таянилгани, ишончли, самарадор ва қиёсий-тарихий усуллар асосида берилгани ҳамда олинган маълумотларнинг таҳлил ва талқин этилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги диссертация натижаларининг ишончлилигига имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертациянинг назарий хулосалари ҳамда илмий муомалага киритилган манбалар ўрта асрларда Мисрдаги ижтимоий, сиёсий, меъморий, ислом тарихи ва маданиятини ёритиш, бу борада, орттирилган тажрибаларни ўрганиш бўйича олиб бориладиган исломшунослик, тарихнавислик, манбашунослик ва маданият тарихига оид тадқиқотларда ва махсус курслар учун маъруза матнлари, қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса, бевосита ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш, дин никобидаги бузғунчи ғояларга қарши туриш, уларнинг ногўфри “халифаликка қайтиш” даъволарига асосли раддиялар бериш, муайян махсус тоифадаги шахслар билан суҳбатлар ўтказишда, шунингдек, Мисрнинг XIII-XV асрларда ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида Марказий Осиё анъаналари таъсирини кенгроқ ёритиш, манбавий асл маълумотларни тақдим этиш, ҳали очилмай қолган тарихий жараёнларни баён этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мисрнинг XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида Аббосий халифаларнинг ўрнига оид тарихий манбаларни тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар асосида:

мамлуклар сиёсий ҳаракатида, уларнинг маданияти ва урф-одатлари, маросимларида Мисрда Аббосий халифаларнинг ўрни юқори даражага етиб, халифалар Мисрдаги мамлук султонларининг ҳукмронлигини легитимлаштириш (қонунийлаштириш)га хизмат қилгани ҳақидаги маълумотлардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг буюртмаси асосида “Ўрта аср шарқ алломалари” энциклопедиясида фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 24 июндаги 02/168-сон маълумотномаси). Натижада, ислом тарихи ва манбашунослигига оид манбаларни жамиятга етказишнинг назарий-методологик усуллари билан бирга, Осиё ва Африка давлатларининг фани, маданияти, дини ва ижтимоий-сиёсий тарихига оид тадқиқотларда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган;

1250-1382 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган (سلاطين المماليك البحرية) баҳрий (туркий) мамлук султонларининг минтақага таъсири юқори бўлганидан сарой ва мамлуклар орасида турк тилининг қипчоқ ва ўғуз шеvasида мулоқот қилинган ва араб-туркий луғатлари, грамматикага оид асарлар яратилган ҳамда 1382-1517 йилларда Мисрда буржий (черкес, кавказлик) мамлуклари ҳукмронлиги даврида ҳам туркий тил ўз ўрнини муомала тили сифатида сақлаб қолгани ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази томонидан буюртма асосида тайёрланган “Ислом цивилизацияси” қомусий луғатини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 9 декабрдаги 377/20-сон маълумотномаси). Натижада, Марказий Осиё халқлари урф-одат

ва анъаналари, тили Мисрда XIII-XV асрларда мавжудлиги бўйича маълумотлар соҳа мутахассислари билимларининг ошишига хизмат қилган;

туркий сулола вакилларидан Аҳмад ибн Тўлун Қоҳирага Аббосий халифа Муътамидни чақирганида, унинг укаси Аҳмад ал-Муваффақ қаршилигига учрагани сабабли, ундан кейин Муҳаммад ибн Туғж Ихшид халифа Муттақийни таклиф қилганида, Аббосий халифа бу таклифни рад этгани боис Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги режа амалга ошмай қолганлиги ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон халқаро ислом академияси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган “Ислом тарихи”, “Ислом маданияти ва санъати тарихи”, “Диншунослик қомусий луғати”нинг яратилишида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2020 йил 22 декабрдаги 650-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқотда берилган маълумотлар талаба-ёшларда илмий-назарий билимларни кенгайтириш ҳамда улар интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

амирлар ичида мамлук султонларининг Аббосий халифаларни тахтдан четлатишларига қарши чиқиб, уларга раддия берганлари ҳақидаги маълумотларидан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан буюртма асосида тайёрланган “Буюк юрт алломалари”, “Исломда ижтимоий иллатлар муолажаси” китоблари мазмунини тўлдиришда фойдаланилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2021 йил 11 январдаги 01-07/05–сон маълумотномаси). Натижада асли мовароуннаҳрлик бўлган бу сулола давридаги тарихий жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ этиш Марказнинг маълумотлар базасини кенгайтириш учун хизмат қилган;

мамлук султонлари хукмронлиги даврида, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни юқори бўлиб, султонларнинг рафиқалари давлат бошқарувига таъсир ўтказган ва мамлакат ғазнасига асосий тушумларни келтирувчи бўғдойдан олинадиган солиқ турини Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой савдогарлар манфаатини ҳимоя қилиб, бекор қилишга эришгани ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари учун тайёрланган “Манбашунослик” дарслигига мазмунан сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 15.02.2021 санадаги 432-рақамли далолатномаси). Натижада Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари ушбу дарслик асосида Мисрда ўрта асрларда ёзилган манбалар, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида маълумотга эга бўлганлар.

Мисрнинг XIII-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи, унда Аббосий халифаларнинг ўрни, Миср мамлуклари даврида аҳоли етти тоифага бўлингани ҳақидаги илмий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканали ижодкорлари томонидан кўрсатувларнинг сценарийларини тайёрлашда ҳамда “Ўзбекистон тарихи” телеканалида эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил

28 январдаги 02-40-127-сон маълумотномаси). Натижалар баркамол авлод тарбиясидаги диний ва маънавий тамойилларни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича 35 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография ва 1 та рисола (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, улардан, 19 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби Кириш, 13та бандни ўз ичига олган 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 274 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Мисрдаги Аббосий халифалар тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**” деб номланиб, унда Қоҳирадаги Аббосий халифалар тарихига оид манбалар, тарихий асарлар маълумотлари асосида давр тарихини ўрганиш муаммолари, Аббосий халифалар даври тарихини тадқиқ этишда замонавий тадқиқотларнинг назарий-методологик асослари ўрганилган. XIII–XV асрларда Миср ўрта аср Шарқ мамлакатлари ичида айнан Аббосий халифаларнинг Қоҳирадалиги боис етакчи ўринни эгаллади. Миср тарихида мамлуклар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мамлакатда ҳарбий лашкарбошиларнинг устунликни қўлга киритиши, баҳрий мамлук (1250-1382) султонларининг юксалиш жараёнлари ва буржий (черкес) мамлуклари (1282-1517) ҳукмронлиги давридаги сиёсий жараёнлар, Аббосий халифалик қароргоҳининг Мисрга кўчирилиши билан боғлиқ масалалар ўзига хос ўринга эга. Айни пайтда, Аббосийлар халифалиги даври Миср тарихнавислиги учун ҳам юксак ривожланиш даври бўлгани боис, уни ёритувчи турли асл қўлёзмалар жуда кўп бўлган.

Машхур ўрта аср тарихчиларидан ал-Мақризийнинг “Ас-сулук фи маърифа дувал ал-мулук”, Ибн Халдуннинг “Ат-Таъриф би-Ибн Халдун ва рихлатуху Фарбан ва Шарқан”, ал-Асқалонийнинг “Анба ал-ғумр би анба ал-умр” ва “Ад-Дурар ал-комина фи айъён ал-миат ас-сомина”, Ибн Дукмоқнинг “Жавҳар ас-самийн фи сияр ал-хулафа’ ал-мулук ва ас-салотийн”, Ал-Айнийнинг “Ақд ал-Жамон фи тарих аҳл аз-замон”, ас-Саховийнинг “Ад-дувал ломий фи аъён ал-қарн ат-тасий”, Ибн Фуротнинг “Тарих ибн ал-Фурот”, Абу аш-Шихнанинг “Равдат ал-манозир фи ахбар ал-авоил ва ал-авохир”, Ибн Қозий Шухбанинг “Тарих ибн Қозий Шухба” асарларида Мисрнинг айюбийлар ва мамлуклар давридаги сиёсий тарихи, Аббосий халифаларнинг Қоҳирадаги фаолияти, мамлук султонлари билан муносабати ҳамда ўрта аср мусулмонлар етакчиси бўлиши учун “икки ҳарам эгаси” номини берувчи Маккага қисва юборилиши билан боғлиқ масалалар Миср султонлари билан Амир Темур ва темурийлар орасидаги муносабатлар, улар ўртасидаги элчилар ва мактублар алмашинуви баён этилган.

Мамлук султонларининг тахт тепасига келиши, улар фаолиятини мадҳ этувчи асарлар ҳам талайгина. Абд аз-Зоҳирнинг “Ар-равд аз-зоҳир фи ас-сийрат ал-малик аз-Зоҳир” асари, асосан, Зоҳир Бейбарснинг 1260-1265 йиллардаги ҳукмронлиги, унинг амалга оширган ишлари билан боғлиқ ҳодисаларни ўз ичига олган бўлиб, асар назмда ёзилган. Унда Султон Зоҳир Бейбарс образи муқаддаслаштирилиб, авлиё сифатида тасвирланади. Ад-Даводорийнинг “Ад-дурр ал-фоҳир фи сийрати ал-малик ан-Носир” асарида Султон Носир Муҳаммаднинг уч бора тахтга келиши, унинг олиб борган сиёсати, тахтдан бир неча маротаба кетиши сабаблари атрофлича ёритилган. Ал-Айнийнинг “Ас-Султон Барқуқ муассис давлат ал-мамолик ал-жарокиса”, ас-Сайрафийнинг “Нузхат ан-нуфус ва ал-абдан фи таворих аз-замон”, Ибн Сусарийнинг “Ад-Дурра ал-музийя фи ад-давлат аз-Зоҳирия” асарида буржий мамлук Султони Барқуқнинг тахт тепасига келиши, унинг ҳукмронлиги давридаги Миср ҳамда унинг ташқи сиёсати, бошқа давлатлар билан муносабатлари асосли далиллар билан келтирилган.

Ар-Раммолнинг “Охира ал-мамолик ал-воқеа ас-султон ал-Ғурий маа Салим ал-Усмоний” асарида Миср тарихида мамлук султонлари ҳукмронлиги даврининг охири ва усмоний Султон Салим I нинг 1517 йилда Қоҳирага кириши, усмоний турклар ҳукмронлигининг бошланиши, халифаликни туркларга ўтиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланган.

Ал-Мақризийнинг “Китоб ал-мавоиз ва ал-иътибор би-зикр ал-хутат ва ал-осор”, аз-Зоҳирийнинг “Зубдат кашф ал-мамолик ва байон ат-туруқ ва ал-масолик”, ас-Суютийнинг “Китоб ҳусн ал-муҳодара би ахбор Миср ва-л-Қоҳира”, Ибн Дукмоқнинг “Китаб ал-интисор ли восита ақд ал-амсор” асарида, ал-Қалқашандийнинг “Субҳ ал-аъша фи синаот ал-иншо” китобларида ўзида илк мамлуклар даври бўйича қимматли маълумотларни, Султон Зоҳир Бейбарс томонидан Аббосий халифалик қароргоҳини Қоҳирага кўчирилиши, халифани кутиб олиш маросимлари, уларга тайинланган нафақа борасида сўз юритилган. Ас-Суютийнинг “Тарих ал-хулафои умаро

ал-муъминийн” асари барча халифалар, жумладан, охирги бўлими баҳрий ва черкес мамлук султонлари ҳукмронлиги даврида Қоҳирада бўлган Аббосий халифалар тарихини тавсифлашга бағишланган.

Ал-Мақризий Мисрдаги очарчилик ва унинг сабаблари ҳақида ҳикоя қилувчи “Китоб иғоса ал-умма би-кашф ал-ғумма”¹⁰ (“Халкнинг қийинчиликлар туфайли абгор ҳолати ҳақида китоб”) номли асар ҳам ёзган. Унда Мисрда қадимги даврдан, то 1405 йилгача ҳукм сурган очарчилик воқеалари ёритиб берилган. Бу асарда ал-Мақризий вабонинг тарқалишига сабаб деб ҳукмдорлар ва ҳокимларнинг ўз халқига эътиборсизлигини кўрсатган. Ушбу асарни ёзишга устози Ибн Халдуннинг “Муқаддима” асари ҳамда 806/1403 йилда Мисрдаги очарчилик ва эпидемик вазият туфайли ягона қизининг ўлатдан вафот этганлиги туртки бўлган. У бу китобни гарчи мазкур ҳодисадан анча олдин тайёрлаган бўлса-да, 1405 йил 29 июндан 28 июлгача, яъни 808 йил муҳаррам ойининг тунларида ёзган¹¹. Қизининг ўлими унинг бу тузумдаги камчиликларни кўрсатиб ўтишига туртки бўлган.

Миср ва унинг қўҳна ёдгорликлари, тарихи қадимдан нафақат сайёҳларни, балки кўпгина илмга қизиқувчиларни ҳам ўзига жалб қилган. Албатта, кўпгина ғарб олимларини Миср фиръавнлари тарихи, эҳромларнинг қурилиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар қизиқтиргани ҳаммага маълум, бироқ баъзи олимлар Қоҳирадаги Аббосий халифалар фаолияти, мамлуклар барпо этган давлат тузуми билан боғлиқ маълумотларни ўрганишга интиланганлар. Жан-Мишель Венчур де Парадиси давр бўйича тадқиқотлар олиб боришига Вольнейнинг “Voyage en Égypte et en Syrie” (“Миср ва Сурияга саёҳат”) китоби сабаб бўлган. Парадиси Венчур де шу даврдаги ҳукмронлари – Мурод ва Иброҳимбей ва ўша мамлакатни яхшироқ тушуниш учун, мамлук султонлари Барсбой ва Чақмоқ тарихини ўрганган ҳамда кейинчалик у 1798 йил Мисрга Наполеон экспедицияда иштирок этган¹². Мамлук султонлари Барсбой ва Чақмоқни олиб борган ички ва ташқи сиёсати, ўша даврдаги Аббосий халифалар фаолияти билан боғлиқ фактик маълумотларни ўрганган.

Гюстав Вейль (1808–1889) “Geschichte der Chalifen” (“Халифалар тарихи”) асарининг давоми сифатида мамлуклар даври тарихи бўйича маълумотларни “Geschichte des Abbasidenchalifats in Egypten” (“Мисрдаги Аббосий халифаларнинг тарихи”) асарини ас-Суютий, Ибн Ййёс каби ўрта аср тарихчилари асарларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган¹³. У Мисрдаги Аббосий халифалар фаолияти, уларнинг ишлари, мамлуклар давлатини легитимлашга хизмат қилгани борасида ҳам қизиқарли фактларни тақдим этган.

Немис тадқиқотчиси К.Беккер (1876-1933) Мисрнинг айюбий ва мамлуклар даврини ўрганиб, ўрта асрлардаги Миср ҳарбий тизимини очиб

¹⁰ تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئى. كتاب إغاثة الأمة بكشف الغمة. / المحقق كرم حلمي فرحات. – القاهرة: عين للدراسات والبحوث الإنسانية والاجتماعية. 2007.

¹¹ Қаранг: Буниятов З.М. Избранные сочинения в трех томах. – Баку, 1999. – Т. 3. – С. 199.

¹² Irwin R. Under Western Eyes – P. 33.

¹³ Ўша мақола. – P. 35.

бериб, бу жамиятдаги ерга эгалик қилиш, вақф масаларини ҳам тадқиқ қилган. У илмий мақолаларида Қоҳирадаги Аббосий халифалар даври тарихини ижобий нуқтаи назаридан ёритган.

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошлари тарихий тадқиқот объектлари ва уларнинг муаммолари мавзусини танлашда, айрим тадқиқотларни қўллашда муҳим ўзгаришлар, янгича ёндашувлар, қарашларнинг ўзгариши билан глобал миқёсда ажралиб турди. Юқоридаги даврда ўрганиш мавзусига, тарихни фан сифатида англаш ва қайта кўриб чиқишга интилишга қаратилган тарих фанининг методологияси йўналишида кейинги назарий тадқиқотлар учун янгича асослари яратилди.

И.М.Фильштинский (1918-2013)нинг илмий изланишлари илк ўрта асрлардан бошлаб, токи Аббосийлар даврини қамраб олган. У изланишларини ҳам адабиёт, ҳам тарих томонидан олиб борган. Мисрда XV асргача иқтисодий ва маданий ривожланиш, тасаввуф шеърятининг юксалишини кўрсатиб ўтади. У “Мусулмон империясининг XIII асрда мўғуллар босиб олган ва талон-тарож қилган Ироқдан халифаликнинг ғарбий вилоятларига кўчиши араб оламининг маданий ривожини тўхтата олмади”, деб ёзган бўлса, тарихий томондан у Султон Бейбарс Аббосий халифага содиқ қолиши, муқаддас уруш олиб бориши, қалъалар қуриши, флот ташкил этиши, халифанинг ҳуқуқлари ва Ислом оламининг сиёсий раҳбари сифатида расмий равишда тан олиши мажбурият сифатида таъкидланганини эътироф этган¹⁴.

К.Э.Босворт Аббосий халифалар ҳақида: “Мамлуклар айюбийларнинг суннийлик сиёсатини давом эттирганлар. Қоҳирада бекорчиликдан анча тоб ташлаб қолган Аббосий халифаларнинг сақланиб қолиши ҳам кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади”, – деб ёзади¹⁵. У асарларида барча мусулмон сулолалари, уларнинг яшаган ва ҳокимиятни бошқарган давлари (хроникаси)ни келтириб ўтган.

Мисрда ташриф буюрган сайёҳлар, олимларнинг берган маълумотларида Аббосий халифалар ва мамлук султонлари орасидаги ҳамда мамлуклар ўрнатган жамиятдаги тузумга бўлган муносабат турлилиги билан ажралиб турган. Араб сайёҳларидан Ибн Батута бу тузум бўйича ижобий фикр берган бўлса, Муҳаммад ал-Ваззан эса, бу ўрнатилган тартибни қоралаган. Мисрнинг XIII-XV асрлар тарихи юзасидан олиб борилган тадқиқотларда мамлуклар давлатининг вужудга келиши, янги сиёсий ва маъмурий тузумнинг пайдо бўлиши, Аббосий халифаликнинг аҳамияти, ўша давр мамлук султонининг кучи, ворислик масаласи, мўғуллар ва салибчиларга қарши курашлар, уларнинг дипломатик муносабатлари, ташқи савдо фаолияти каби асосий мавзулари ўрганилган.

Диссертациянинг “XIII-XV асрларда Мисрдаги диний, ижтимоий-сиёсий вазият” деб номланган иккинчи бобида, Мисрда мамлуклар

¹⁴ Фильштинский И.М. История арабов и халифата 750-1517. – М.: Восток Запад, 2006. – С.273.

¹⁵ Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари (йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома) / таржимонлар Асрор Самад, Озод Шарафутдинов. –Т: Фан, 2007 – Б. 55.

давлатининг ўрнатилиши, баҳрий ва буржий мамлук султонлари давридаги диний, ижтимоий-сиёсий вазият, бу даврдаги давлат тузумида халифа ва султонларнинг ўрни, мадрасалардаги диний ва ҳарбий таълим тизимида оид масалалар тадқиқ этилган. 1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрга хавф солиб турган Людовик IX ва мўғулларнинг таҳдиди даврига тўғри келган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилар эди. Шунда 1249-1250 йиллардаги ал-Мансура минтақасида француз қироли Людовик IX кўшинларини енгилда баҳрий мамлук қисмлари кучли эканликларини намоён қилганлар. Шундай қийинчилик даврида Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажарат ад-Дурр¹⁶ни лозим топганлар. Шажарат ад-Дуррни Аббосий халифа Мустаъсим ўз вақтида Бағдоддан Қоҳирага Солиҳ Нажм ад-Дин Айюбийга совға сифатида юборган эди. Айюбий тахтга ўтиргач, Шажарат ад-Дуррнинг ҳам мартабаси ошди, уни Солиҳ қуликдан озод қилиб, унга уйланди. Солиҳ Нажм ад-Дин тўсатдан вафот этгач, унинг ўлимини сир сақлаб, Шажарат ад-Дурр, марҳум султон номидан фармонлар берган. Исён натижасида Солиҳнинг вориси ва ўғли Туроншоҳ ўлдирилгач, ислом тарихида нодир ҳолат – Шажарат ад-Дурр султони, деб эълон қилинган. У “Мусулмонлар малика”си номи билан мамлуклар давлатини уч ой бошқариб, ҳужжатларни Солиҳнинг ўғли Халил номидан имзолаган. Унинг бош маслаҳатчиси амир Ойбек эди. Бағдоддаги Аббосий халифа Мутаъсим аёл давлатни бошқаришига фатво бермай, жиддий норозилигини билдиргач, у бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлган. Муъиз ад-Дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йил бошида тахтга ўтирган.

Султон Ойбек ҳокимиятда унга қарши рақиблар кўпайиб кетаётган бир вазиятда, “Мамлакат Аббосий халифа Мустаъсимники, Малик Муъиз дарҳақиқат, унинг бу ердаги ноибни”, деб эълон қилди¹⁷. Аммо малика Шажар ад-Дурр завжи Ойбекни ўлдирган¹⁸. Шажар ад-Дуррнинг султон Солиҳ Айюбийдан бўлган ўғли ёшлигида ўлиб кетганлиги, Ойбекдан эса ворис туғилмаганлиги сабаб тахт Ойбекнинг биринчи хотинидан бўлган ёш ўспирин ўғли – ал-Мансур Нур ад-Дин Алига (1257-1259) ўтган. Унга назоратчи этиб, амир Сайф ад-Дин Қутуз тайинланган. Султон Али давлат ишлари билан қизиқмайдиган, енгил хулқли бола бўлиб, у ўз тенгдошлари билан ҳар хил ўйинлар ўйнаш, кайф-сафо қилиш билан вақтини ўтказган. Қутуз уни тоғдаги қалъага қамаб қўйиб, ўзини Миср султони, деб эълон қилган¹⁹. Қутузнинг бу ишидан норози бўлган амирларга: “Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак, бу ишда султонсиз ҳеч нарса қила олмаймиз, агар душманга бўлинган ҳолда қаршилиқ кўрсатсак, бу нарса яхшиликка олиб келмайди, салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни

¹⁶حسن على إبراهيم. تاريخ المماليك البحرية. – القاهرة: مكتبة النهضة المصرية. 1967 – ص.36
¹⁷تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئى. السلوك فى معرفة دول الملوك. ج. 3. – بيروت: دار الكتب العلمية. 1997-ص.375. (تقى الدين المقرئى. السلوك فى معرفة دول الملوك.)

¹⁸أحمد مختار العبادي. قيام دولة المماليك الأولى في مصر والشام. – الإسكندرية: المؤسسة الشباب. – ص.139

¹⁹ Ўша жойда. – Б.417

тақозо қилади”, – деган²⁰. Бу иши билан Қутуз ўз мақсади йўлида амирларга таъсир ўткази олигани, амирлар ҳам уни қўллаб-қувватлагани намоён бўлган.

Амир Қутуз асли келиб чиқиши мовароуннаҳрлик бўлиб, у Жалолиддин Мангуберди опасининг ўғли, Хоразмшоҳнинг невараси эди. Мовароуннаҳрни Чингизхон қўшинлари қўлга олгач, у ҳам бошқа ёшлар каби асир тушиб, Дамашқдаги кул бозорига “رقيق” – рақиқ (кул сотувчи) билан келтирилган. Қутузни султон Муъиз ад-Дин Ойбек сотиб олиб, уни ҳарбий мактабга ўқишга берган. Ҳарбий мактабни битириб чиққач, у амир унвонини олган²¹. Ўрта аср тарихчилари ал-Мақризий ва Ибн ал-Ийёс ўзларининг тарихий хроникаларида Миср лашкарлари бошида турган Миср султони Қутуз Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг жияни деб тахмин қилганлар ва унинг асл исми Маҳмуд ибн Мавдуд, деб таъкидлаганлар²². Мўғуллар лашкарини бошқарган Хулағухон Қутузга таҳдидларга тўла қўпол хат йўллаб, унда Қутузни: “...бизнинг қиличимиздан қочиб бу диёрга келиб қолиб, бу диёрнинг неъматларидан фойдаланаётган мамлуклардан”, – деб таърифлаган. Бу хатни тарихчи ал-Мақризий ўзининг тарихий рисоласида тўла келтириб ўтган²³. Хат фусҳа – араб адабий тилида ёзилган бўлса-да, мазмунан, одатда, бир давлат ҳукмдорига иккинчи ҳукмдордан ёзиладиган хатларга муносиб эмас эди, чунки унда султон Қутуз камситилган ва таҳқирланган. Мўғуллар Қутузнинг кимлигини яхши билганлар, бўлмаса, “у бизнинг қиличдан қочган мамлуклардан”, деб ёзмасдилар²⁴. 1260 йили 3 сентябрда айни мамлук султони Қутуз Фаластиндаги Айн Жолут деган жойда мўғуллар билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратиб, Хулағу қўшинларини орқага улоқтириб ташлаган²⁵. Хоразмликлар Айн Жолут жангида мўғул истилосини бостиришда мардонавор курашиб, жасорат кўрсатганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор²⁶. Бу жангдан сўнг Султон Қутуз: “Мен кимки, Маҳмуд ибн Мамдудман. Мен кимки, мўғулларни тор-мор қилиб, тоғам Хоразмшоҳ учун қасос олгандирман”, – деб айтган²⁷. Бу сўзлари билан у Хоразмшоҳ наслидан эканини таъкидлаб ўтган.

Қутуз аскарининг олд қисмига қўмондонлик қилган. Бейбарсга Ҳалаб ҳукмронлиги ваъда қилинган, аммо бажарилмаган эди. Мисрга қайтиш мақсадида Дамашқдан йўлга чиққанида уни йўлда амир Бейбарс бошчилигидаги аскарлар кутиб олиб, Султон Қутузни ўлдирган. Зоҳир Бейбарс қасосини олган. Шу тарзда баҳрий мамлук султонлари Шом ва Мисрга бостириб кирган салибчиларни, сўнг мўғулларни тор-мор этиб, араб

²⁰Аبو الفداء إسماعيل. المختصر في أخبار البشر. ج.3. – القاهرة. 1907. – ص. 199-200.

²¹أنظر: عبد الفتاح عاشور. المجتمع المصري في عصر سلاطين المماليك. – القاهرة: دار النهضة العربية. 1962. – ص. 12، أحمد مختار العبادي. في التاريخ الأيوبي والمملوكي. – الإسكندرية: المؤسسة الشباب الجامعي. – ص. 142.

²²خليل نور الدين. سيف الدين قطز قاهر المغول. – الإسكندرية: حورس الدولية للنشر و التوزيع، 2005. – ص. 104.

²³تقى الدين المقرئزي. السلوك في معرفة دول الملوك. ج 1. – ص. 327-329.

²⁴Ходжаева Р. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). – Тошкент: Хилол Медия, 2013. – Б.116.

²⁵أحمد شلبي. التاريخ الإسلامي. – القاهرة: مكتبة النهضة المصرية. 1990. – ص. 235، عبد الحافظ حمزة. نيابة حلب في عصر سلاطين المماليك. – القاهرة. الهيئة المصرية. 2000. – ص. 100.

²⁶أحمد مختار العبادي. قيام دولة المماليك الأولى في مصر والشام. – الإسكندرية: المؤسسة الشباب الجامعي. 1994. – ص. 117-118.

²⁷Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ангуштегинов. Изб.соч. в 3 томах. Т.3. – Баку: Элм, 1999. – С.228.

ерларини босқинчилардан озод қилганлар. Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризийнинг ёзишича, “Султон Қутуз ўлдирилгач, амирлар кенгаши ўтаётган вақтда амир Ақтоий амирларга қарата: “Сизлардан қай бирингиз уни ўлдирдингиз?”, - деб сўраганида, Бейбарс: “Мен ўлдирдим”, деб айтган, Ақтоий: “Ундай бўлса, султон ўрнига тахтга ўтир”,- деган”²⁸. Шу тариқа султон Малик аз-Зоҳир Рукн ад-Дин Бейбарс 1260 йилда тахтга ўтирган.

У 1260-1277 йилларда ҳукмронлик қилган. Султон Қутузни ўлдиргач, тахтга ўтирган Султон Бейбарснинг келиб чиқиши ҳақида бир қатор мулоҳазали фикрлар мавжуд. Ҳозирги кунда Қозоғистон Республикасида Зоҳир Бейбарсни “қозоқ бўлган”, деган қарашни олға суришмоқда. Лекин Е.Федяева “Неизвестный Египет” (“Номаълум Миср”) китобида Султон Бейбарснинг келиб чиқиши борасида 7 хил фаразни олға сурган. Уларнинг биринчиси сифатида қозоқ қабиласи “Берш” номи варианты сифатида талқин этиладиган “бурж”, иккинчиси эса, Россия чегараларида кўчиб юрган Токсаба қипчоқ қабиласидан дейилган²⁹. Юқоридаги фикрлар фақатгина фараз, лекин уни асли Дашти Қипчоқ ёки Мовароуннаҳр ерларидан эканлиги эътироф этилган. Қипчоқ уруғи нафақат қозоқлар, балки бошқа Марказий Осиё халқлари орасида ҳам мавжуд.

Айюбий султонлар каби баҳрий мамлук султонлари ҳам урушлар натижасида сони камайган кўшинни ўрнини тўлдириш мақсадида ўз кўшинларини мамлуклар ҳисобидан кўпайтиришга катта аҳамият берганлар. 1279 йилда тахтга ўтирган Султон Сайф ад-Дин Қаловун бошқа мамлук султонларидан фарқли равишда, черкес мамлукларини сотиб олишга эътибор қаратиб, уларни Қоҳира қалъаси ичидаги минора кўринишидаги – “бурж”га жойлаштирган. Шу номда “буржий мамлуклар” атамаси келиб чиққан.

1309 йилда Султон Носир Муҳаммад Ҳаж зиёратига кетганидан фойдаланган икки амир – Салор (туркий) ва Бейбарс (черкес) ҳокимият учун кураш бошлаганлар ва у Бейбарснинг ғалабаси билан тугаган. Шу йили Амирлар кенгаши Бейбарсни султон деб эълон қилган. У мамлук султонлари ичидаги черкесларнинг биринчи султони бўлганига қарамай, бу черкес ҳукмронлиги ўрнатилди, деган маънони бермас эди, чунки амалдорларнинг кўпчилиги туркийлар бўлгани сабабли Бейбарс ҳокимиятини тан олмаганлар. Тез орада, Носир Муҳаммад олдин Шомга қайтиб, Мисрга юриш бошлаб, тахтни қайта қўлга киритган.

1382 йилда Султон Али ибн Шаъбон вафот этгач, унинг тўққиз ёшли ўғли Салоҳ ад-Дин Ҳожи II султон деб эълон қилинган ва Қоҳирадаги Аббосий халифа ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Ҳожининг назоратчиси этиб Барқуқ тайинланган. 1382 йил 26 ноябрда Барқуқ халифа ва тўрт мазҳаб қозиси ҳамда катта амирлар билан кенгаш чақириб, султон ёшлигини, бундай кучли давлатни бошқариш учун унинг салоҳияти етмаслигини айтиб, ёш

²⁸ تقى الدين المقرئىزي. السلوك فى معرفة دول الملوك. ج.1. – ص.436، العمري شهاب الدين. مسالك الأبصار فى ممالك الأمصار. ج.16 / محقق إبراهيم صالح. – أبو ظبي: المجمع الثقافي، 2002، ص.598، جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة فى ملوك مصر والقاهرة / المحقق محمد حسين شمس الدين. ج.7. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية. ج.7. – ص.84. (ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة فى ملوك مصر والقاهرة.)

²⁹ Федяева Е. Неизвестный Египет. Hamdy Press – Cairo – Egypt, 2011. – С. 8-9.

султон ўрнига ўз номзодини кўтариб чиққан. Кенгаш бир овоздан султон Ҳожи ўрнига Отабек Баркуқ номзодини қўллаб-қувватлаган. У тахтга ўтиргач, баҳрий мамлуклар бошқаруви якунланиб, буржийлар сулоласи даври бошланган³⁰. Мисрда черкес мамлуклар ҳокимиятининг ўрнатилиши Ўрта Осиёда мустақкам давлат тузиб, уч, беш, етти йиллик юришлари билан машҳур бўлган Амир Темур даврига тўғри келган. Амир Темур марказлашган давлат тузганидан сўнг, Марказий Осиё давлатларидан қул келтирилиши тўхтатилгани ва Кавказ давлатларидан олиб келинган мамлуклар сони ошиб боргани буржий мамлуклар бошқаруви сабабларидан бири бўлган.

Дастлабки буржий мамлуклар кучли сиёсат юритиб, Мисрнинг ривожланишига ҳисса қўшганлар. Лекин XV аср охири – XVI аср бошларида аҳвол ўзгарган. Н.А.Ивановнинг фикрича, “Ислом султони” мусулмонларнинг ҳаёти, мулки ва динини сақлаб қолишга кучи етмасди. У муқаддас шаҳарларнинг ҳомийси сифатида эътироф этилган бўлса-да, ҳаттоки, ҳаж зиёратчилари хавфсизлигини ҳам таъминлай олмасди. Юзлаб зиёратчилар португаллар қўлига асир тушиб қолиб, бошқалари эса бадавийларнинг Ҳижоз қўзғолонинг (1502-1508) қурбони бўлганлар. 1503-1506 йилларда биринчи марта мамлуклар ҳукмронлиги даврида ҳаж вақтинча тўхтатилган³¹. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳукмронлиги заифлашганидан далолат берган.

Мисрда баҳрий мамлуклар даврида Қаловун сулоласи (1280-1382) 100 йил давомида наслдан-наслга ўтиб келган бўлса, буржийлар даврида Султон Баркуқнинг ўғли Носир Фараж (1398-1412)дан ташқари, бошқа сулолаларнинг меросийлик анъанаси муваффақият қозонмаган.

Мамлук султонлиги давлат бошқаруви, том маънода, уч қисмга: ҳарбийлар (қилич эгалари), қалам аҳли ва дин вакилларига бўлинган³².

XIII аср охирида Миср султонлари ислом дунёсида катта обрўга эга эди. Улар муқаддас шаҳарларнинг ҳомийси бўлганлар, Каъба учун кисва (Каъба ёпқичи) юборганлар. Бу ўрта аср ислом тарихида биринчиликнинг нишонаси эди. Бу хизмат уларга асосий лавозимдек “*Ходим ал-ҳарамайн*” (икки муқаддас масжид хизматчиси) номини берган. Биринчи бўлиб, бу ном Аббосий халифа ан-Носир билан Салоҳ ад-Дин ўртасидаги келишмовчилик туфайли қабул қилинган. Бошиданок, бу ном халифага қарши қўйилган бўлиб, унга тенглаштирилган “ислом султони” маъносини англатган³³. Мамлук султонлари урушга ўзлари бормай, уни олиб боришни қайсидир бир

³⁰ Арипова З. Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни (1250-1517). Тарих. фанл. ном. ...дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2008. – Б.13.

³¹ Иванов Н.А. Османское завоевание арабских стран (1516-1517). – Москва: Наука, 1984. – С.14.

³² Riley-Smith J. The Atlas of the Crusades (editor). – London and New York, 1991. – P. 110-111; Irwin R. Mamluks and Crusaders: Men of the Sword and Men of the Pen / By Robert Irwin. Surrey and Burling. – VT: Ashgate Variorum, 2010. – 384 p.; Levanoni A.A Turning Point in Mamluk History: The Third Reign of Al-Nasir Muhammad Ibn Qalawun (1310 – 1341). – Brill, 1995. – P. 11-12; Levanoni A.A.The Mamluks in Egypt and Syria: The Turkish Mamluk sultanate (648 – 784/1250 – 1382) and the Circassian Mamluk sultanate (784 – 923/1382 – 1517) // The New Cambridge History of Islam. Vol.2. – The Western Islamic world: eleventh to eighteenth centuries. Edited by Maribel Fierro. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – P. 241- 242.

³³ Bernard Lewis. Khadim al-Haramayn. –The Encyclopaedia of Islam. V.4. – P. 899.

лашкарбошига топширадиган Аббосий ва фотимий халифалар – мусулмон ҳукмдорлардан фарқ қилганлар.

Мамлакат бошқарувида энг кучли таъсир кўрсатувчи доиралар ҳарбийлар бўлган. Давлат бошқаруви тепасида султон ва у билан бирга, 24 та катта мамлук амирларидан иборат Кенгаш (машвара) бўлган. Султоннинг давлат раҳбари сифатидаги ваколатлари қаторига: аниқ қонуний талаблар ва умумий қоидалар бериш, урушга киришга қарор қилиш, солиқ йиғиш, султон салтанати бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ва бошқалар кирган³⁴. Бу Кенгаш таркибига Аббосий халифалар кирмаган. Саройнинг йирик амалдорларидан бўлмиш “*даватдор*” – ижрочи котиб султон ёзишмаларини кузатган, *устадор* – сарой хизматларига, “*хазинадор*” – бош хазиначи эса, султон бойликларини сақлашга масъул бўлган.

Мисрнинг иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларга асосланган эди. Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризий аҳолини қуйидаги тоифаларга ажратади: биринчи тоифа – юқори лавозимдаги кишилар – “*أهل الدولة*” – *аҳл ад-давла*; иккинчи тоифа – йирик савдогарлар “*أهل اليسار من التجار*” – *аҳл ал-йасар мин ат-тужжар*; учинчи тоифа – сотувчилар “*البائع*” – *ал-бо’иъ*, ўртача савдо қилиб, кун кўрувчилар “*متوسط الحال من التجار*” – *мутаваасситу ал-ҳал мин ат-тужжар*, шунингдек, маошга кун кўрувчилар “*أصحاب الموائش*” – *асҳоб ал-маво’иш*; тўртинчи тоифа – деҳқонлар “*أهل الفلح*” – *аҳл ал-филҳ*, фермерлар ва қишлоқ аҳолиси “*أهل الزراعة والحرث*” – *аҳл аз-зиро’ат ва ал-ҳарс* ва қишлоқ аҳолиси “*سكان القرى والريف*” – *суккан ал-қура ва ар-риф*; бешинчи тоифа – камбағаллар “*الفقراء*” – *ал-фуқаро’* шу жумладан, фақиҳлар “*الفقهاء*” – *ал-фуқаҳо* ва талабалар “*طلاب العلم*” – *туллаб ал-илм*; олтинчи тоифа – ҳунармандлар “*أرباب الصنائع*” – *арбоб ас-сана’и*, ёлланма ишчилар “*الإجراء*” – *ал-ижро’* ва хизматкорлар “*أصحاب المهن*” – *асҳоб ал-миҳан*; еттинчи тоифа эса камбағал-бечоралар “*المسكنة*” – *ал-мискина*, тиланчилар “*السؤال*” – *(ас-су’аал)*³⁵. Бу билан ал-Мақризий аҳоли табақалашган ҳолатда яшаганлигини кўрсатиб ўтган.

Мисрга олиб келинган қулларни фақат султон ва турли лавозимдаги амирларгина сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Султон сотиб олган мамлуклар, амир сотиб олган мамлукларга қараганда ўзларини бахтли ҳис қилган. Чунки уларда мансаб кўтарилиши учун барча имкониятлар мавжуд эди. Султонлар, иложи борича, ёшроқ қулларни сотиб олиб, уларни махсус ҳарбий мактабга йўллаган. Бу ерда мамлук ўспиринлар, биринчи навбатда, диний таълим, сўнгра ҳарбий тайёргарлик олганлар. Амирлар томонидан сотиб олинган қуллар – “*مماليك الأمراء*” – “*мамолик ал-умаро*” (амирлар мамлуклари), деб аталган. Аввалига ҳар бир амир сотиб олган мамлук “*ديوان الجيش*” – “*дивон ал-жайш*” (қўшин девони) рўйхатидан ўтказилган, кейинчалик бундай тартиб ҳар бир амир томонидан тайёрланиб, нусхаси

³⁴ Holt P. The Position and Power of the Mamluk Sultan / In Hawting G.R. Muslims, Mongols and Crusaders: An Anthology of Articles Published in the Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 2005. – P. 138-150.

³⁵ تقى الدين المقرئى. كتاب إغاثة الأمة بكشف الغمة / المحقق كرم حلمي فرحات. – القاهرة: عين للدراسات والبحوث الإنسانية والاجتماعية. 2007. – ص. 72-73.

Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ангуштегинов. Изб.соч. в 3 томах. Т.3. – Баку: Элм, 1999. – С. 198.

девонга юбориладиган алоҳида рўйхатлар билан алмаштирилган. Амир хизматидаги мамлуклар сони қаттиқ назорат қилинган. Амир султоннинг ёрдамчисига айтмасдан туриб, ўз мамлукини ҳайдай олмаган. Султон мамлуклари кўпроқ муҳим ва фахрли лавозимларни эгаллаганлар. Ушбу мамлуклар султонга яқинликлари боис, иқтоънинг ҳам кўпроқ қисмини олиб, улар орасидан юқори тоифадаги амирлар етишиб чиққан. Йигитлар ислом динини қабул қилишиб, араб тилини ўрганиб, кейинги ҳарбий хизмат учун ёпиқ лагерларда таҳсил олганлар. Шундай қилиб, ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, ушбу куллар тўлақонли ҳарбий мутахассисларга айланганлар.

Тадқиқотнинг **“Аббосий халифаларнинг Мисрдаги фаолияти”** деб номланган учинчи бобида бир неча асрлар давомида Бағдодда бўлган Аббосий халифаларнинг Қоҳирадаги фаолияти, уларнинг султонлар ҳокимиятини легитимлаштиришдаги ўрни, мамлук султонлари билан муносабатлари, Амир Темур ва темурийлар орасидаги алоқалари тадқиқ этилган. Муҳаммад (с.а.в.) асос солган, тарихда биринчи ва охириги, том маънодаги ислом давлати ва илк араб халифалари даврида давлат бошқарувида динийлик устувор бўлганлигини, кейинчалик тарихий шароит тақозосига кўра, дунёвийлик характеридаги унсурларнинг пайдо бўлиш жараёни ва пайғамбарнинг **“Халифалик мендан сўнг ўтгиз йилдир”**, деган ҳадисини илмий асослаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинган. Мамлуклар асли куллардан (ғулом) келиб чиққанликлари учун ўз ҳокимиятини қонунийлаштириш мақсадида янги механизмни излаш талаб қилинган. 1258 йилда мўғуллар ўша пайтда Аббосийлар халифалигининг қароргоҳи бўлган Бағдодга етиб бориб, халифани қатл қилгач, 1261 йилда Султон Зоҳир Бейбарсда бу яқунланган халифаликни тиклаш орқали ўз мақсадига етиш имконияти вужудга келгач, Аббосийлар авлоди вакилларидан Абу Аббос Аҳмад ва Абу Қосим Аҳмад ибн Зоҳирни Қоҳирага чақирганида, Абу Қосим олдинроқ келган. Султон Зоҳир Бейбарс янги халифани кутиб олишга жиддий тайёргарлик кўриб, уни дабдаба билан қабул қилиш учун унга пешвоз чиққан. Буюк давлат арбоблари, обрў-эътиборли олимлар Абу Қосимга таъзим қилиш учун отларидан тушиб кутиб оладилар ҳамда кўшин билан бирга қалъага етиб борадилар³⁶. Қалъада Султон Бейбарс Аббосий халифани шарафлаб, ҳузурида тахтга ўтирмаган³⁷. Зоҳир Бейбарс кенгаш чақириб, унда қози Ҳакам Тож ад-Дин ибн Бинт ал-Азз томонидан унинг насл-насаби асослиги тўғрисида ҳукм чиқарилган. Мисрнинг энг йирик диний пешволари унинг халифаликка бўлган ҳуқуқини тасдиқлаганлар. Султон Зоҳир Бейбарс халифага содиқлик ҳақида байъат берган. Бу байъат ҳамда оммавий эълон қилинган ҳужжатда Бейбарс Аббосий халифага содиқ қолиши, муқаддас уруш олиб бориши, қалъалар қуриши, флот ташкил этиши, халифанинг ҳуқуқлари ва Ислом оламининг

³⁶تقى الدين المقرئى. السلوك فى معرفة دول الملوك. ج. 1. - ص. 449.
³⁷تقى الدين المقرئى. المواعظ والاعتبار بذكر الخطط والآثار. ج. 2. - بولاق: أوست. 2002 - ص. 301 (المقرئى. المواعظ والاعتبار بذكر الخطط والآثار)

сиёсий раҳбари сифатида расмий равишда тан олиши мажбурият сифатида таъкидланган эди³⁸.

Шу тариқа Зоҳир Бейбарс Бағдодда яқун топган халифаликни Мисрга кўчиради ва гўёки уни тиклаган. Қоҳирадаги Аббосий халифага “المستنصر بالله” – “ал-Мустансир Биллоҳ” лақабини берганлар³⁹. Аббосий халифалар одатига кўра, Миср султонига безакли кийим кийдириб, халифа сифатида унинг ҳукмдорлигини тасдиқ этиш маросими бўлган. Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги фикр биринчи бўлиб, Султон Бейбарсдан чиққан, дейиш хато бўлади. Аслида, бу лойиҳани аввал Аҳмад ибн Тўлун, ундан сўнг эса Муҳаммад ибн Туғж Ихшид рўёбга чиқаришга уриниб кўрган, лекин бу режа амалга ошмай қолган эди⁴⁰. Халифа ал-Мустансир Бейбарснинг ишончини қозона олмаган. Бунга, асосан, халифа ал-Мустансирнинг шуҳратпарастлиги ва сиёсий қарашлари сабаб бўлган, эҳтимол. Уч ой ўтгач, Бейбарс халифадан халос бўлишга қарор қилиб, унча катта бўлмаган аскар билан Аббосий халифани мўғулларга қарши курашда ёрдам бериш баҳонасида Бағдодга жўнатган, лекин кўмак бермаган. Бунинг натижасида халифа жангда ҳалок бўлган. Тахминан бир йил ўтгач, Зоҳир Бейбарс иккинчи марта Мисрни Аббосий халифалар масканига айлантиришга уриниб кўрган. Шу мақсадда у халифалик тахтига Аббосийлар авлодининг яна бир вакили – Аҳмад ибн Ҳасанни қўйган. Унга “الحكيم” – “ал-Ҳаким” лақабини берадилар. Халифа ал-Ҳаким ҳар қандай вазиятга мослашувчан, эҳтиёткор эди. У мамлук султонлари билан можаро келиб чиқмаслиги учун намоишкорона вазифаларни бажариб, уларнинг ишларига аралашмас эди⁴¹. Янги халифа Султон Зоҳир Бейбарс кутган халифа сифатида фаолият олиб борди. Ўрта аср тарихчиларининг баъзилари Бағдоддан сўнг дунё фақатгина уч ярим йилгина халифасиз яшади, қолган вақт “халифанинг қароргоҳи” вазифасини Бағдод ўрнига Қоҳира эгаллади, у ерда халифалик қонуний равишда олиб борилмоқда, ислом илмлари ривожланмоқда, олимлар ўз фаолиятларини олиб боришмоқда, деб ҳисоблаганлар. Бошқалар эса, Қоҳирадаги халифалик ҳеч қандай вазифани бажармаган, фақатгина номи уни улуғлаб турган, деб ёзганлар.

Мисрдаги халифалик араб дунёсининг сўнгги ўрта асрлар сулоласига айланган. Мамлук султонларининг муқаддас шаҳарлари бўлган Макка ва Мадина билан Ҳижоз устидан ҳукмронлик қилганлари, Қоҳирада Аббосий халифалари ва тўртта асосий сунний қозининг мавжудлиги уларга мусулмон дунёсида устун мавқега эга бўлиш имкониятини берган. Улар “Ислом ва мусулмонлар султони” унвонини олиб, ўз давлатларини “Исломнинг маркази”, деб ҳисоблаганлар. Мусулмонларнинг ғояларига кўра, Ислом диёри доимо яхлит бўлган. Мусулмон “ҳамма жойда” ўз эътиқодига содиқ қолиб, ислом арконларини бажаради. Аббосий халифалар роли шу даражага

³⁸ Фильштинский И.М. История арабов и халифата 750-1517. – Москва: Восток Запад, 2006. – С.273.

³⁹ أحمد شلبي. التاريخ الإسلامي. – القاهرة: مكتبة النهضة المصرية، 1990 – ص.244

⁴⁰ أحمد مختار العبادي. قيام دولة المماليك الأولى في مصر والشام. – الإسكندرية: مؤسسة شباب الجامعة للطباعة و النشر و التوزيع، 1994 – ص.179-198

⁴¹ Бартольд В. В. Халиф и султан. – Москва: Наука, 1966. – С.39.

бордики, мамлуклар сиёсий ҳаракатида, уларнинг маданияти ва урф-одатлари, маросимларида халифаларнинг бўлмаслиги ақлга сиғмас даражага етган. Дарҳақиқат, ўша давр тарихчилари агар халифалар Мисрда бўлмаса, тахт “ноқонуний бўлиб қолади”, деб ҳисоблаганлар. Халифалар мамлук султонлари томонидан ажратиладиган нафақа ҳисобидан яшаганлар. Унинг миқдори султонлар билан халифалар ўртасидаги мавжуд муносабатдан келиб чиқиб ажратилар, уларнинг аниқ бир кўрсаткичи йўқ эди⁴². Халифа моддий эҳтиёжининг яхшиланишига Нафиса мақбарасидан келадиган тушум катта таъсир ўтказган. Барқуқ (1382-1399) ҳокимият тепасига келгач, халифаларга иқтоъ, шунингдек, ойига 500 динор миқдоридаги маош ва озиқ-овқат ажратила бошланган. Халифа ал-Қоимга ўзининг иқтоъсидан ташқари, 1453 йилда 1000 динор миқдоридаги пулли мукофот ва янги иқтоъ ҳам берилган. Халифа ал-Мустанжид (1455-1479) иқтоъсига Даманхур ва Гиза муҳофазаси, шунингдек, Имбаба қишлоғи қўшилган. Черкес мамлуклари даврида халифанинг харажатларига Султон ғазнасидан 5 минг диноргача ажратилиб, баъзи халифалар ўзларининг моддий имкониятлари катта эканлиги билан машҳур бўлган. Халифа Умар ибн ал-Хаттоб давридан бошлаб, Аллоҳ Муҳаммад (с.а.в.) қариндошининг ибодатларини ижобат қилишига ишонч боис, қурғоқчиликка чек қўйиш истагида – “صلاة الاستسقى” – *салот ал-истисқаа* (ёмғир сўраб ибодат қилмоқ, ёмғир тилаб намоз ўқимоқ)ни Аббосий халифа авлодлари узок вақт давомида жамоат билан ибодат қилганлар⁴³. Бир неча йиллар давомида ўтказилаётган ушбу “*ёмғир ёғди*” тадбири Қоҳирадаги Аббосий халифалар бошқаруви даврида ҳам бўлиб ўтиши натижасида, ўрта аср тарихчилари келтирган хабарларга кўра, беҳуда кетмаган⁴⁴. Халифалар бу даврда нафақат ёмғир сўраш маросимини, балки вабодан қутулиш маросимининг ҳам ўтказилишига бош-қош бўлганлар. Мамлуклар жамияти учун Аббосий халифаларнинг мавжудлиги ноёб муқаддасликни тан олинishi ҳисобланиб, бу эса Султонга келишувлар ва муҳим қарорлар учун тирик “муҳр” сифатида хизмат қилишга имкон берган.

Умуман олганда, амирлар ҳам, диний олимлар ҳам халифанинг дуосини олишга мойил бўлганлар. Мамлук султонлари ҳам уламоларнинг халифалардан “дуо олиш” тушунчасини қабул қилганлар. Халифа уларнинг аجدодлари маросимлари ва бошқа муҳим маросимларининг бир қисмига айланган, аммо ҳокимиятга эришиш йўллари излаш ёки тахтни эгаллаш, Қоҳирадаги Аббосий халифаси учун тасаввур қилиб бўлмайдиган вазифа эди.

Мусулмон оламида етакчилик мавзусини очиш учун Амир Темур ва Шохрух Мирзоларнинг Миср султонлари билан элчи ва хат айирбошлаш муносабатлари катта аҳамият касб этади. Амир Темур мамлук султони

⁴² تقي الدين المقرئى. المواعظ والاعتبار بذكر الخطط والآثار. ج. 2. – ص. 243.
⁴³ ابن تغري بردى. كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. ج. 10. – ص. 204، جلال الدين عبد الرحمان بن أبي بكر السيوطى. ج. 5. تاريخ الخلفاء. بيروت: دار ابن حزم، 2003. – ص. 104، محمد بن أحمد بن إياس الحنفى. بدائع الزهور في وقائع الدهور. ج. 2. – القاهرة: كتب الهيئة المصرية، 1982. – ص. 823. (ابن إياس). بدائع الزهور في وقائع الدهور.
⁴⁴ ابن إياس. بدائع الزهور في وقائع الدهور. ج. 2. – ص. 124.

Барқуққа биринчи хатини 791/1393 йили йўллаган. Жавоб хатида султон Барқуқ, ўз навбатида, Қуръондан 9 оят ишлатиб, Амир Темурни худосизликда айблади, ўзини эса ислом динининг ҳомийси деб атаб, фақат “амир ал-му’минийн”, яъни халифага итоат қилажагини эълон қилди. Аммо Қоҳира халифаларининг диний раҳнамолиги батамом рамзий бўлиб, аслида, улар султоннинг қўғирчоғига айланиб қолгандилар. Шу нуқтаи назардан, Барқуқнинг даъвоси қуруқ сафсата эканлиги ўша давр муҳотида ҳаммага аён эди⁴⁵. 796/1398 йили декабрь ойида Амир Темур яна султон Барқуққа элчи орқали хат юборади. Бу сафар ҳам элчилар Шом чегарасида ушлаб қолинди, аммо хат Қоҳирага етказилди. 1399 йили султон Барқуқ вафот этди. Шундан сўнг 801/1403 йили Амир Темур султон Фаражга яна бир элчи йўллади. Элчи орқали жўнатилган хатда у Миср мамлук давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш рағбатини билдирган бўлса-да, султон Фаражга кўк рангдаги махсус икки байроқча бериб юборган эдики, бундан Султон Фаражни ўзига вассал (тобе) билиб, Миср ва Шомга ноиб сифатида тайинлаган, деган маъно келиб чиқарди. Амир Темур вафотидан сўнг Соҳибқироннинг кенжа ўғли Шоҳрух ҳам бир неча бор мамлук султонлари Барсбой ва Чақмоқларга хат йўллаб, ўз мақсадига эриша олди. Кисва Қоҳирага икки шайх – Нур ад-Дин ибн ал-Шайх Жунайд ал-Казаруний ва Ибн ал-Мавла ал-Абхарий бошчилигидаги улкан Темурийлар делегацияси билан келди⁴⁶. Ички Кисва Маккага элчилар билан бирга, Миср карвони билан келиб, Қурбон ҳайити куни Каъбага осилган⁴⁷. Шунга қарамай, ички тарафдан Шоҳрух Мирзонинг кисваси, устидан эса, 1443 йилда Султон Барсбой юборган каъбапўш билан осилган⁴⁸. Иккала кисва ҳам 856/1452 йил сентябргача, Султон Чақмоқ иккала кисвани ҳам алмаштириш тўғрисидаги фармонини чиқаргунга қадар ўша ерда қолган⁴⁹. Шу тариқа Шоҳрух Мирзо Амир Темурнинг истагини амалга оширган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**XIII-XV асрларда Мисрнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида Марказий Осиё анъаналари таъсири**” деб номланган бўлиб, унда Аббосий халифалар даври архитектураси, Миср хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётида туркий анъаналари таъсири, мамлуклар давлатида туркий тилнинг мавқеи ва мамлук-қипчоқ адабий тилининг қўлланиши билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ қилинган. Ўрта асрларда мамлук султонлари ҳукмронлиги даврида (1250-1517) Миср ва

⁴⁵ Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV – в начале XVI вв. Сб. научных трудов ТашГУ – Т.: Востоковедение, 1981. – С. 128-129; Бартольд В.В. Халиф и султан // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – С.40-41.

⁴⁶ جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. منتخبات حوادث الدهور في مدى الأيام والشهور. /المحقق محمد كمال الدين عز الدين. – القاهرة: عالم الكتب، 1990. – ص.76، بدر الدين محمود العيني. عقد الجمان في تاريخ اهل الزمان.ج.2. / محقق محمود رزق محمود. – القاهرة: دار الكتب والوثائق القومية، 2010. – ص.627

⁴⁷ محمد بن عبد العزيز بن عمر بن فهد القرشي الهاشمي. حسن القرى في أودية أم القرى. ج.2. /المحقق الشريف أحمد. – القاهرة: دار القاهرة، 2014. – ص.594-595

⁴⁸ محمد بن عبد الرحمن السخاوي. وجيز الكلام في النيل على دول الإسلام.ج.2. /المحقق أحمد الخطيمي. – القاهرة: مؤسسة الرسالة، 1995 – ص.665. (السخاوي. وجيز الكلام في النيل على دول الإسلام).

⁴⁹ ابن اياس. بدائع الزهور في وقائع الدهور.ج.2. – ص.665، السخاوي. وجيز الكلام في النيل على دول الإسلام.ج.2. – ص.665.

Сурияда ислом санъатининг гуллаб-яшнаши – меъморчиликнинг юксалиш даври бўлган. Мамлук даври меъморчилиги кўпинча ўзига хос услуб билан эмас, балки кўпроқ султон бошқаруви даври билан таснифланган. Мамлук султонлари ва амирлари бино қуриш, унга ишлов бериш санъати ҳақида маълумотга эга бўлиб, моддий эҳтиёжларини кўтаргани боис, қатор обидалар қурилишига ўз ҳиссасини қўшганлар. Султонлардан Зоҳир Бейбарс, ан-Носир Муҳаммад, Носир Фараж, ал-Муаййид, Барсбой, Қайтбой ва ал-Ашраф Гансуҳ ал-Ғуврий ҳомийлар сифатида пойтахт Қоҳира шаҳрида кўплаб масжидлар қуришни афзал кўрганлар. Шуни эътироф этиш керакки, Мовароуннаҳр меъморчилиги Миср иморатсозлигига таъсир ўтказган бир нечта иншоотлар мавжуд. Бунга сабаб баҳрий мамлук султонлари асли туркий эканликлари боис, ҳунарманд ва қурувчиларни ҳам Марказий Осиё минтақасидан жалб қилганлар. Самарқанд қубба (гумбаз)ларининг (пиёз шаклидаги) маҳобати, ҳар томондан бир хил кўриниши, узун, алоҳида чиқиб турувчи бўйни ташқаридан жуда очик, равшан кўриниб турган, бу темурийлар иморатсозлигининг ўзига хос муҳим услубларидан ҳисобланган. Худди шу шаклни асли бухоролик бўлган Амир Қусун ўз масжидида ҳам қўллаган, афсуски, бу гумбаз ҳозирги кунимизгача етиб келмаган. Султон ан-Носир Муҳаммад ибн Қаловун, Амир Сарифтамиш ан-Носир масжидларининг гумбазида ҳам худди шу тарздаги услубни кўриш мумкин.

Қоҳира марказида ўзбеклар билан боғлиқ қадимий маҳалла мавжуд бўлиб, аҳолиси орасида Шош, Бухоро, Фарғона ва Тароз оилалари истиқомат қилиб, улар ҳозирги кунгача ота-боболари келган жой номларини муқаддас сақлаб келадилар. Мамлуклар ҳукмронлиги даврида Султон Қайтбай кўмондон Сайф ад-Дин Ўзбек ибн Танашнинг жангларида эришган катта ғалабалари учун мукофотлашга қарор қилиб, унга 60 акр (сотих) ерни совға қилган. Ботқоқ бўлган бу жойларни 1475 йилда кўркамлаштириш учун муҳит яратиб, дўнгликларни текислаб, уйлар, катта омборлар, 1494 йилда жомеъ масжиди ҳамда унинг атрофида ҳаммом, усти ёпиқ бозор, тегирмон, тандирхоналар қурдирган. Тезда у ерда сув ҳавзаси қурилиб, атрофида боғ барпо этилган. Бу боғ “الحديقة الأوزبكية” – “ал-ҳадиқа ал-Ўзбакия” – Ўзбеклар боғи номи билан машҳур бўлган. 1495 йилга келиб, ушбу боғ Қоҳира марказидаги катта маҳаллага айланган. Ал-Ўзбакия маҳалласи Қоҳирада машҳур мавзе бўлиб, унинг аксарияти Ҳадив Исмоил даврида қурилган. Ушбу маҳалла Ал-Атаба майдони, “ал-Ўзбакия” боғи ва “ал-Ўзбакия” театрини қамраб олади. Вақт ўтиши билан ўзбеклар маҳаллий аҳоли билан шу қадар аралашиб кетдиларки, натижада, улар алоҳида этник гуруҳ хусусиятларини йўқотган бўлса-да, “ўзбеклар” номи шу кунгача сақланиб қолган. “Ҳадиқа ал-Ўзбакия” боғи ҳозирги кунимизга қадар Қоҳира шаҳрининг қоқ марказидаги энг катта тарихий, диққатга сазовор жойлардан бири саналади.

Биринчи мамлук султонлари (баҳрийлар) эски туркий тилнинг қипчоқ ва ўғуз шеvasида гаплашганлар. Девонхоналарда ҳам қипчоқ тили муомалада бўлган. Эски туркий тиллар бўйича мутахассислар шу даврда Мисрда қипчоқ

тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган ҳамда қипчоқ тилининг грамматикаси ва, хусусан, лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилганлигини таъкидлайдилар⁵⁰. Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича, мамлуклар давлатида яшаган қипчоқлар тили ўзбек тилининг қипчоқ шеvasига яқин бўлган⁵¹.

Олтин Ўрданинг давлат тили қипчоқ бўлиб, XIV асрда қипчоқ-ўғуз асосида аралаш қипчоқ-ўғуз ёзма тили шаклланган, кейинчалик у ниҳоят Олтин Ўрданинг, шу жумладан, Волга ва Урал туркийларининг ҳам адабий тили сифатида бўлган. XIV асрдан бошлаб, туркий ёзма адабий тиллар тарихида янги босқич бошланган, улардан бири Олтин Ўрда ҳудудида ривожланиб, “з” - туркий тиллар гуруҳига мансуб, иккинчиси эса мамлуклар даврида Олтин Ўрда ва Миср учун умумий бўлган ва “й” га тегишли бўлган гуруҳдир. Улардан биринчисини – Олтин Ўрда-Хоразм, иккинчисини – Олтин Ўрда-Миср тили, деб аташ мумкин эди. Олтин Ўрданинг ёзма тили, дастлаб, қадимги уйғур тили ва мўғул девонхоналарининг уйғур амалдорлари олиб борган Қорахонийлар давлати таъсири остида шаклланган бўлиб, улар бу ёзувдан XIV асрнинг охиригача фойдаланганлар. Бинобарин, Олтин Ўрданинг ғарбий қисмидаги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам уйғур элементлари мавжуд. Айнан ўша пайтдан бошлаб янги ёзма тилларнинг пайдо бўлиши бошланиб, уларнинг ривожланиши XV-XVI асрларда қадимги туркий адабий тилнинг (эски ўзбек, эски татар, эски озарбайжон, эски туркман ёзма адабий тиллари) маҳаллий вариантларининг шаклланишига олиб келган⁵².

Аҳолининг салмоқли қисмини, айниқса, Мисрнинг йирик шаҳарларида туркийзабон куллар ва уларнинг қариндошлари туркийзабон озод кишилар ташкил қилган. Бу омилларнинг барчаси мавжуд қоришма туркий тили луғатини тузишга ва грамматикасини ўрганишга эҳтиёжни юзага келтирган. Натижада, Мисрда у ерда яшовчи туркийларнинг тилига асосланган лексикография ва грамматика бўйича бир нечта араб филологларининг асарлари пайдо бўлган⁵³. XIII асрда “қипчоқ” ва “туркий” атамалари кўпинча эквивалент синоним сифатида ишлатилиб, бир-бирининг ўрнини босган.

Мисрда Аббосий халифалар фаолият юритган даврда туркий тил муҳим бўлиб, бу тилда китоблар ёзилиб, ҳукмрон мамлук амирларига ва султонларга тақдим қилинган. “Туркий тил Хоразмдан бошланиб, Озарбайжонга, Андалусияга, ҳаттоки, Сурия ва Мисрда чўзилган, шунга қарамай, унинг маркази Миср эди. Маркази деганда, мен туркий тилга бўлган эътиборни назарда тутаман...” – деб, таъкидлаган эди тадқиқотчи Муҳаммад Ҳарб⁵⁴. Бу билан тадқиқотчи XIII-XV асрларда туркий тилнинг ривожланишида Миср ҳам муҳим ўрин эгаллаганини таъкидлаган.

⁵⁰ Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. – Т., 1976. –Б.29-36.

⁵¹ Ўша китоб. – Б.35-36.

⁵² Гайнутдинова Г. Р. Историко-лингвистический анализ тюрко-татарского письменного памятника XIV века Джамал ад-Дина ат-Турки «Китабу булгат ал-муштак фи лугат ат-турк ва-л-кифчак». Автореф. дис. ... канд филол. наук. -Казань, 2004. – С.8-9.

⁵³ Ходжаева Р. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). -Тошкент: Ҳилол Медия, 2013 – Б.104-105.

⁵⁴ محمد حرب. العثمانيون في التاريخ و الحضارة . – القاهرة : المركز المصري للدراسات العثمانية و بحوث العالم التركي ، 1994 – ص. 322

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, дастлаб, оила даврасида, она тарбияси билан шаклланади. Миср ижтимоий, сиёсий тарихида аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг оилага бўлган муносабати, ижтимоий ҳаётдаги ролини ўрганиш муҳим омиллардан биридир. Мамлуклар аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, “хунд” (خوند) ва “хатун” (خاتون) каби номлар билан атганлар. Хунда номи султонларнинг хотинларига хос бўлган, лекин баъзи жойларда катта табақа аёлларига ҳам қўлланилган. Хатун сўзига келсак у, дастлаб, “малика”, “амира” деган маънони англатган бўлса, кейинчалик эса, умуман, аёл ёки хоним маъносида ҳам ишлатилган. Асли туркий бўлган баҳрий мамлукларининг аёллари таом пишириш, уй-рўзғор ишлари, кийиниш услублари туркийча бўлган. Мамлук султонлари давлат бошқарувига аёллар ҳам таъсир кўрсатганлар. Султон ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой аралашуви боис, буғдойдан олинган солиқ тури бекор қилинган. Султон Ал-Ашраф Зайн ад-дин Ша‘боннинг онаси, Султон Ал-Ашраф Сайф ад-дин ибн Барсбойнинг рафиқаси ҳокимият ишларида уларга маслаҳатлар берган⁵⁵. 676/1277 йилда Султон Ас -Са‘ид Баракатхон ва унинг амирлари ўртасида тортишув бўлганида, Султон онасини амирлар билан музокарага юборган. Улар аёл ҳурмати сабабли муносабатлар яхшиланган⁵⁶. Юқорида зикр этилган аёлларнинг барчаси этник жиҳатдан келиб чиқиши туркий бўлгани сабабли, улар жамиятда туркий анъаналарнинг узок вақт сақланиб қолишига катта ҳисса қўшганлар.

ХУЛОСА

Диссертацияда келтирилган маълумотлар таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XIII-XV асрларда Мисрдаги Аббосий халифалар тарихига доир манбалар тадқиқ этилган ва Ибн Халдун, ал-Асқалоний, Ибн Дукмоқ, ал-Айний, Ибн аш-Шихна, ас-Суютий, Ибн Ийёс, ал-Қалқашандий, ал-Умарий, Абу ал-Фидо каби ўрта аср тарихчилари бевосита давлат тузумининг бошқарув органларида фаолият юритганлари боис, уларда келтирилган аниқ, фактик маълумотлар бу давр бўйича холис баҳо бериш имконини берган.

2. Тарихий асарлар маълумотлари асосида давр тарихи ўрганилган ва Мисрга ташриф буюрган сайёҳлардан Раббан Саума, Бускарелло де Гизольфи мамлукларга қарши салиб юришларига ундовчи фитнада қатнашганлари аниқланган, лекин уларнинг Мисрни салибчиларга бўйсундириш ҳақидаги орзулари амалга ошмаган.

3. Замонавий тадқиқотларнинг аксарияти Мисрда мамлукларнинг сиёсий тарихи, ҳарбий ва маъмурий тузилмаси фаолияти, уларнинг ҳарбий

⁵⁵ تقى الدين المقرئى. السلوك فى معرفة دول الملوك. ج.4 – ص.479
⁵⁶ ابن تغري بردى. كتاب النجوم الظاهرة فى ملوك مصر والقاهرة. ج.7 – ص.266-267

юришларига қаратилган. Лекин Аббосий халифаларнинг бу ўлканинг обрў-эътибори ошишига кўшган ҳиссаси, мамлук султонлари ва Аббосий халифаларнинг муносабатлари етарлича очиб берилмаган. Аббосий халифалар даври тарихини тадқиқ этишда замонавий тадқиқотларнинг назарий-методологик асослари кўрсатиб берилди ва тадқиқот натижасида Қоҳирадаги халифалар султонни ҳарбий юришларда кузатиб боргани ва бу ҳарбий кўшиннинг руҳий ҳолатини кўтариши учун керак бўлгани аниқланди. Қоҳирадаги Аббосий халифалар, асосан, султоннинг амрига бўйсунган. Назарий жиҳатдан халифа тўрт мазҳабнинг бош қозилари билан биргаликда султонлик мансабидан олиб ташлашга ҳаққи бўлган, лекин бу бирор марта ҳам амалга ошмаган.

4. Баҳрий мамлуклар ҳукмронлиги даврини: 1250-1293 йиллар – баҳрий мамлукларнинг тахт тепасига келиши ва бирлашуви; 1293-1310 йиллар – қарши курашлар ва сиёсий беқарорлик даври; 1310-1341 йиллар – султон Қалавун ва унинг ўғли Носир Муҳаммаднинг учинчи марта тахт тепасига келиши ва 1341-1382 йиллар – ижтимоий-иқтисодий муаммолар, буржий (черкес) мамлуклар сулоласи вакилларининг тахт учун интилишлари, курашлар, ички сиёсий беқарорлик даврлари сифатида даврлаштирилди.

5. Буржий мамлук султонларидан Барқуқ ҳукмронлиги даврида Миср гуллаб-яшнаган, лекин мамлакатга вабо, қурғоқчилик, чигирткалар босқини, очарчилик ва ташқи кучлардан хавфсираш сабаб, бу сулола даври ниҳоясида Миср ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий инқирозга юз тутган. Шу боис, усмоний турклар томонидан босиб олинган.

6. Миср мамлуклари давридаги давлат тузуми очиб берилган ва ундаги энг муҳим девонлар сирасига: “дивон ал-жайш” (ҳарбий ишлар), “дивон ал-инша” (котибият), “дивон ал-аҳбос” (вақф ишлари бўйича), “дивон ан-назар” (мамлакат молия ишлари), “дивон ал-хосс” (султоннинг шахсий хизмати), расмий хат ёзишмалар билан шуғулланувчи “дивон ал-инша”, шунингдек, “дивон ат-тавахин” (тегирмон), “дивон ал-ахра” (омборхона), “дивон ал-муртажа‘ат” (амирларнинг мероси мулки) каби девонлар кирган.

7. Ташқаридан келтирилган ёш ўспиринлар ислом динини қабул қилганлар, араб тилини ўрганганлар ва ҳарбий хизмат учун ёпиқ лагерларда таҳсил олганлар. Шу тарзда ҳарбий тайёргарликдан ўтаган қуллар тўлақонли ҳарбий соҳадаги мутахассисларга айланганлар.

8. Мамлук султонлари асли қуллардан чиққанлиги боис, Аббосий халифаларнинг номинал ҳукмронлиги ўрнатилиши мавжуд сиёсий вазиятда мамлук султонларининг реал ҳокимиятини легитимлигини таъминлаш, ўрта аср қонун-қоидаларига биноан, қуллар давлатни бошқара олмасликлари инобатга олинса, можароларнинг олди олинган.

9. Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан сўнг тайинланган халифалар араб сулоласидан бўлган бўлса, Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги тугатилгач, Қоҳирадаги Аббосий халифа Истанбулга олиб кетилган. “Аё София” масжидида халифа Мутаваккил устидаги хирқасини Салим I га кийдиргач, 1517 йилдан халифалик бошқаруви турк султонларга ўтган.

10. Султонлар Аббосийларни бош қилиб, тўрт мазҳаб қозилари ва турли диний арбобларни тўплаб диний маросимлар ўтказиб туриш одатини жорий қилганлар. Бундан асосий мақсад Аббосийларнинг диний обрўсидан мамлук султонлари ўз сиёсий мавқеларини кўтаришда фойдаланганлар. Ушбу диссертацияда келтирилган Қоҳирадаги Аббосий халифаларнинг фаолияти ислом тарихи бўйича кўплаб тадқиқотларга асос бўлади. Улардан баъзи “ноқонуний гуруҳлар” томонидан халифаликка қайтиш “ғоя”сига раддия сифатида фойдаланиш мумкин.

11. 1261 йилдаги Аббосий халифанинг Қоҳирага кўчиши билан арабларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётининг фаоллиги Мисрга кўчди, у араб дунёсининг марказига айланди. Жамиятнинг барча томонларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатда ўзига хос маънавий-маърифий муҳит яратилиб, илмий-адабий ҳаёт жонланиб, ижодий салоҳият ошган.

12. Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги ғояни аввал Аҳмад ибн Тўлун, кейинроқ Муҳаммад ибн Туғж Ихшид рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган, лекин тўлуний султон чақирган Аббосий халифа Муътаמידни укаси Аҳмад ал-Муваффақ қаршилиги сабабли, ихшидий султонининг бу таклифидан халифа Муттақий воз кечгани боис бу режа амалга ошмаган.

13. Марказий Осиё ва Миср ўртасида XV асрда жўшқин дипломатик алоқалар мавжуд бўлган. Амир Темур давридан, бевосита кейин ҳам Шохрух Мирзо мисолида Марказий Осиё ҳокимлари мусулмон дунёсида кўзга кўринган мавқега эга бўлганликлари аниқ далиллар билан исботлаб берилган. Шохрух Мирзонинг 841-850/1443-52 йиллар мобайнида Маккаи мукаррамада Шохрух қисваси Каъба устига Миср султони қаъбапўши остидан ёпилган.

14. Мовароуннаҳрдан Мисрга мамлуклар билан бир қаторда, ҳунарманд усталар ҳам жалб этилиши натижасида, Самарқанддаги меъморчилик кўринишлари Қоҳирада бунёд этилган Амир Қусун, Амир Сарифтамиш ан-Носир ва Ҳасан ибн ан-Носир Муҳаммад ибн Қалавун масжиди кубба (гумбаз)лари шаклида акс этган.

15. Мисрдаги Аббосийлар халифалиги даврининг ўзига хос аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишда туркий унсурларнинг кириб келганидир. Мамлуклар туркий тилнинг қипчоқ ва ўғуз шеvasида гаплашганлар. Мисрдаги девонхоналарда ҳам қипчоқ тили муомалада бўлган. Мисрда қипчоқ ва ўғуз тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган ҳамда қипчоқ тилининг грамматикаси ва, хусусан, лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилган.

16. Султон ва амирларнинг аёллари давлат ишларига аралашган ва давлат сиёсатини бошқаришда иштирок этган. Шажар ад-Дурр ва Султон Ан-Носир Муҳаммаднинг хотини малика Тўғой, Султон Ал-Ашраф Зайн ад-дин Ша‘боннинг онаси, Султон Инолнинг рафиқаси Хунд Зайнаб, Султон Ал-Ашраф Сайф ад-дин ибн Барсбойнинг рафиқаси давлат сиёсатини бошқаришда иштирок этганлар. Бу аёлларнинг барчаси этник жиҳатдан

келиб чиқиши туркийлардан бўлиб, улар ўрта аср Миср жамиятида туркий анъаналарнинг узок вақт сақланиб қолишига таъсир кўрсатганлар.

Тадқиқот жараёнида олинган натижа ва хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитилаётган “Ислом тарихи” номли дарсликни Қоҳирадаги Аббосийлар халифалиги бўйича янги маълумотлар билан бойитиб, қайта нашр этиш.

2. XIII-XV асрларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук сулоласи фаолиятига доир “Мамлук султонлари давлат бошқарувида Аббосий халифаларнинг ўрни” мавзуидаги монографияни чоп этиш.

3. Мисрда фаолият юритган Тўлуний, Ихшидий, мамлук каби туркий сулолалар бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориб, илмий истеъфодага киритиш ҳамда “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон тарихи” дарслик ва ўқув қўлланмаларини янги маълумотлар базаси билан такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон-Миср дўстлик жамияти билан ҳамкорликда “Ўрта аср Ўзбекистон-Миср дўстлик муносабатларининг тарихий илдизлари” мавзуидаги халқаро конференция ташкил этиш.

5. Ўзбекистон-Миср дўстлик жамияти билан ҳамкорликда Ўзбекистон тарихи давлат музейида мамлук сулолалари борасида экспозиция шакллантириш.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 AT THE INTERNATIONAL ISLAMIC
ACADEMY OF UZBEKISTAN**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

ARIPOVA ZUXRA DJAXANGIROVNA

**THE PLACE OF THE ABBASIAN KHALIFA
IN SOCIO-POLITICAL LIFE OF EGYPT
IN THE 13th-15th CENTURIES**

24.00.01 – Islamic history and source studies

**DOCTOR OF HISTORY (DSc)
ABSTRACT OF THE DISSERTATION**

Tashkent – 2021

The theme of the dissertation of doctor of science (DSc) was registered under the number B2020.2.DSc/Tar163 in the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

The doctoral dissertation has been carried out at the International Islamic Academy of Uzbekistan
The dissertation abstract is available in three languages (Uzbek, English, Russian) on the website of the Academic Council (www.iiiau.uz) and information and educational portal "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Scientific adviser: **Khasanov Ahadjon Ahmadjonovich**
Doctor of Historical sciences, Professor

Official opponents: **Munavvarov Zohidullo Inomkhodjaevich**
Doctor of Political Sciences, Professor

Yusupova Dilorom Yunusovna
academician, doctor of historical sciences, professor

Agzamova Gulchexra Azizovna
doctor of historical sciences, professor

Leading organization: **Tashkent State University of Oriental Studies**

The defense of the dissertation will be held on September “__” of 2021 at _____ at the head scientific and methodical center’s online meeting platform of the Academic Council under the number DSc 35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 for awarding academic degrees under international Islamic Academy of Uzbekistan (Address: 100011, Tashkent, Kadiri street, 11. Telephone: (99871) 244 94 70); fax: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz)

The dissertation can be found at the information Resource Center of the International Islamic Academy of Uzbekistan. (Registered under number ____) (Address: 100011, Tashkent, A.Kadiri street, 11. Telephone: (99871) 244 00 91)

The dissertation abstract is disseminated on _____ “__” of 2021.
(Protocol registered number _____ “__” of 2021)

D.R.Makhsudov
Chairman of the Scientific Council on award of Scientific Degrees, Doctor of Historical Sciences, associate professor

S.A.Rustamiy
Secretary of Scientific for awarding scientific of degress, doctor of philology sciences, associate professor

Z.M.Islamov
Chairman of Scientific Seminar under the Scientific Council for awarding scientific degress doctor of philology, professor

INTRODUCTION (Abstract of the DSc dissertation)

The actuality and necessity of the dissertation: In the 13th and 15th centuries, Egypt was the most important country in the history of the world due to the activities of the Mamluks in the East. In 1250-1382 it was ruled by "Bahri mamluks" – "المماليك البحرية" (Turkish mamluks brought by sea) and in 1382-1517 by "Burji mamluks" – "المماليك البرجية" (Caucasian mamluks). It is essential to show young people the Turkic dynasties that lived and ruled not only in Transoxiana, but also in other countries, their social, political, economic, cultural situation, diplomatic relations with other countries, and their place in world history by studying the aspects of world history that is related to the history of Central Asia, and presenting new information into the history of Uzbekistan. In this regard, it is important to highlight the relationship between the history of medieval Egypt and Uzbekistan.

Universities and research institutions of the United States, Germany, Great Britain, Russia, Kazakhstan and other countries are conducting research on the history of the Mamluks (1250-1517), their political activities, the military system, their position in the Islamic world. However, the role of the Abbasid caliphs in the socio-political history of Egypt during this period, the lack of comprehensive research on issues related to the penetration of the elements of Transoxiana, did not allow a holistic understanding of this period. The works of medieval historians, scientific researches based on numerous manuscripts preserved in collections and archives in Europe and Egypt, are of great importance in the fields of world history, Islamic history and source studies.

In recent years, the field of Islamic history and source studies has been developing in Uzbekistan, and a number of studies are being conducted. However, the task of conducting more research in this area is still remaining significance for experts in the field. Uzbekistan and Egypt are united by historical and cultural commonality, traditional friendship and close cooperation. The family of Ahmad ibn Tolun, which was originally from Bukhara, established an independent state in Egypt, "الدولة الطولونية" – the Tolunid dynasty, followed by Muhammad ibn Tughj Ikhshid, originally from Fergana, and "الدولة الإخشيدية" – the Ikhshid state, followed by another Turkic dynasty, "الدولة المملوكية" – the Mamluk state. Since the origin of the first Bahri Mamluks (المماليك البحرية), who ruled during 1250-1382, is connected with Transoxiana, it is important to depict that the political processes they carried out, the factors that contributed to the rise of Egypt in the Middle Ages, its relations with Central Asia, the infiltration of Turkic traditions in Egypt, as well as An objective study of the relationship between the Abbasid caliphs and the Mamluk sultans, as well as "Hizb ut-Tahrir al-Islami" (Islamic Liberation Party), "Lashkar-e-Taiba" (Army of the Pious) Rejecting the "idea" of "restoration of the caliphate" promoted by religious extremist and terrorist organizations such as the Islamic Movement of Turkestan.

Current research paper will serve to a certain extent in the performance of the assigned tasks in Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan No.

PD-5046 of April 16, 2018 "On measures to radically improve the activities of the religious and enlightenment sphere", PD-5046 of May 19, 2017 "On measures to further improve interethnic relations and friendly relations with foreign countries", and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 20, 2017 No PR-3074 "On the establishment of the Center for the Study of Cultural Heritage Abroad under the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan", No. PR-4436 September 4, 2019 "On additional measures to improve religious and educational activities", and No. PR-4802 August 11, 2020 "On measures to establish the Imam Moturidi International Research Center".

The Relevance of the research to the priorities of the development of science and technology of the Republic of Uzbekistan. The dissertation has been carried out following the primary directions of the development of science and technologies in the Republic I. "Formation of an innovative ideas system in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state and ways to implement them".

Review of foreign research on the topic of the dissertation¹: The world's leading scientific centers and higher education institutions, including الأزهر جامعة (Al-Azhar University, Egypt), جامعة القاهرة (Cairo University, Egypt), جامعة عين الشمس (Ayn al-Shams University, Egypt), The Institute for Islamic World Studies, Oxford (UK), International Islamic University of Malaysia (Malaysia), Institute of Islamic Studies (Canada), Institute of Oriental Studies RAN, St. Petersburg State University, Mamlūk studies review the Middle East Documentation Center At The University Of Chicago (USA), The DFG-Research Kollege (Germany), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Germany), School of Oriental and African Studies, University of London. (London), İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Turkey), Peoples' Friendship University named after academician A. Khatbekov (Kazakhstan), Kazakh National University named after al-Farabi (Kazakhstan), Eurasian National University named after L.N. Gumilyov (Kazakhstan), Institute of Oriental Studies named after R.B. Suleimenova (Kazakhstan), Adyge Republican Institute for Humanitarian Research named after T.M. Kerashev (Russia), the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan, the Center for Islamic Civilization of Uzbekistan, the International Research Center named after Imam Bukhari, the International Research Center named after Imam Termezi, the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan, the International Islamic Academy of Uzbekistan implemented the scientific research on the history of the Mamluk sultans, and the activities of the Abbasid caliphs in Cairo.

Rich manuscripts of historians of the Mamluk period are preserved in the countries of the world, including a collection of Arabic manuscripts that are kept in

¹<http://www.azhar.edu.eg/>; <https://cu.edu.eg/>, <http://www.asu.edu.eg/>; [http://www. Ox.ac.uk/](http://www.Ox.ac.uk/); <http://www.iium.edu.my/>; <https://www.universiteitleiden.nl/>; <http://www.orientalstudies.ru/>; <https://spbu.ru/>; <http://mamluk.uchicago.edu/>; <https://www.mamluk.uni-bonn.de/>; <https://www.uni-bonn.de/the-university/>; <https://www.soas.ac.uk/>; <https://ecsa.me/139-universitet-drudgby-narodov-imeni-akademika-akuatbekova/>; <https://www.kaznu.kz/ru/>; <https://www.enu.kz/ru/>; <https://www.arigi01.ru/>; <http://www.beruni.uz/>; <http://www.iiia.uz/>; <http://www.tashgiv.uz/> and others

the State Library of Berlin². Among them were the works of Medieval historians that provide rich information about this period such as Ibn Khaldun (732/1332), al-Maqrizi (766/1364), Ibn Hajar al-Asqalani (773-852/1371-1449), Ibn Taghriberdi (813/1411–874/1470), and al-Sahawi (831-901/1427-1497), as-Suyuti (849-911/1445-1505), Ibn Iyyas (852/1448–930/1523), and az-Zahiri (813/1410–873/1468)³.

Currently, a number of studies are being conducted on the history of the medieval history of Egypt and the Mamluks, including the following areas: Analytical research on the socio-political, cultural, economic, administrative structure of the Mamluk state, military system, architectural history and the influence of other cultures, achievements and shortcomings in science, literature, the emergence of new genres, works and authors of this period are being identified and classified.

A review of Mamluk-era research has been published in a major scientific journal since 1997 by the University of Chicago's Middle East Documentation Center (Mamlūk studies review the Middle East Documentation Center at The University of Chicago) in Chicago, United States⁴. Additionally, international conference is held and large collections are published as a result of the conference.

Level of study of the problem: Egypt is considered as one of the major cultural centers of the Islamic world, and sources on medieval history provide information on its socio-cultural spheres, particularly, related political events, architecture, and geography.

The importance of the history of the peoples living in the region today, the processes of formation of historical geography, as well as the importance of the written literature of that period in the study of all spheres of socio-political life is incomparable. Among the chroniclers who lived and worked in Egypt During the Mamluk period are al-Maqrizi, Ibn Khaldun, Ibn Hajar al-Asqalani, Ibn Duqmaq, al-Aini, az-Zahiri, Ibn Taghriberdi, as-Sayrafi, Ibn ash-Shihna, as-Sahawi, as-Suyuti, Ibn Iyyas, al-Qalqashandi, Abu Shama, an-Nuwayri, al-Umariy, Ibn Zahira, Ibn Abd az-Zahir, Ibn al-Furat, Abul Fido, ad-Dawadari, ar-Rammal, Ibn al-Asir⁵ and others.

² The manuscript's department of the Berlin State Library

³ عبد الرحمن ابن خلدون. كتاب العبر وديوان المبتدأ والخبر في أيام العرب والعجم والبربر و من عاصرهم من ذوي السلطان الأكبر. (Pet. 625, Spr. 28) ، تقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرزي. رسالة في معرفة النقود ووزنها. (, 1093, We. 192–190, Spr. 28) ، أحمد بن علي ابن حجر العسقلاني. أنباء الغمر بأبناء العمر (Mf. 73. Pm. 736. Mf. 76) ، جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. كتاب النجوم الظاهرة في ملوك مصر والقاهرة. (Spr. 189) ، جمال الدين أبي المحاسن ابن تغري بردي. منتخبات حوادث الدهور في مدى الأيام والشهور (WE. 1) ، محمد بن عبد الرحمان السخاوي. كتاب التبر المسبوك في ذيل السلوك. (We. 343) ، جلال الدين عبد الرحمان بن أبي بكر السيوطي. كتاب حسن المحاضرة في أخبار مصر والقاهرة. (Pet. 185, Mq. 654, 655) ، محمد بن أحمد بن إياس الحنفي. نشق الأزهار في غرائب الأقطار. (Mf. 1179) ، خليل بن شهين الظاهري. كتاب زبدة كشف الممالك وبيان الطرق والمسالك. (Pm. 476.)

⁴ *Mamlūk Studies Review* is published by the Middle East Documentation Center (MEDOC), The University of Chicago.

